



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 МАРТ

№ 46-47
(1563-1564)

ШАНБА
1997
йил

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ АЛМАТИ УЧРАШУВИ

АЛМАТИ, 28 февраль. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун бугун Қозоғистон Республикаси пойтахти Алматыга келди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида, бугунги кунда Орол фожиаси аллақачон халқаро аҳамият касб этгани ва уни бартараф этиш фақат ушбу минтақадаги давлатлар эмас, балки, йирик халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳам ўзaro бош қовуштириб фаол ҳаракат қилишини тақозо этади, деб алоҳида таъкидлади. Зеро, Орол ҳалокати оқибатлари миллионлаб кишилар ҳаётига дахл қилади.

Шу маънода, Алматыда Ўзбекистон Президенти И. Каримов, Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Президенти А. Акаев, Туркменистон Президенти С. Ниёзов, Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ўртасида бўлган суҳбат ишчан ва амалий руҳда ўтди дейиш мумкин. Президент Н. Назарбоев Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармасининг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида ахборот берди. Шунингдек, президентлар мазкур жамғарма маблағини ташкил этиш бўйича қабул қилинган Давлат раҳбарлари кенгаши қарорининг ижроси, Орол муаммоси билан шуғулланаётган минтақавий муассасалар мақоми, Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатларaro кенгаш ижроия қўмитаси ва жамғарма бошқарув кенгаши тарқиб ҳамда Орол бўйидаги экологик аҳволни яхшилашга қаратилган дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармасининг Президенти этиб тасдиқланди. Маълумки, шу пайтгача бу вазифани Президент Н. Назарбоев бажариб келган эди.

Учрашув якунида томонлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича Алматы декларациясини қабул қилдилар.

(ЎзА).



«Тарбия тетапоя бўлган болалардан, ўқувчилардан, талабалардан оёқланмас экан, биз фурсатни бой берамиз. Келажак авлод вакилларига ўзбек миллатининг ўтмиши, бугуни, маданий ва адабий қадриятларини босқичма-босқич тушунтириб боришимиз лозим».

14-бет.



13-бет.

БИР КҲН КЕЛИБ
ҲИЙИҲИЗДА МЕН
БЎЛМАСАМ

«Не қилайлик?», «Қандай бўлса?», «Нечук бўлур?» --
Сўрасангиз, наздингизда
кўнглим тўлур.
Болажонлар, бир кун шамдай
бу жон сўнур,
У чоқ кимдан сўроқлайсиз, мен
бўлмасам?

«АЁЛ АСЛИ ИЧКАРИНИКИ»

12-бет.



6-бет

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

-- Тақдирга масъулият ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз? -- савол билан жавоб бошлайди Николай Иванович. -- Уша кетаётганларни ўз юртларида ҳеч ким кучоқ очиб кутаётгани йўқ эди. На ўша кўшфуқароликни жорий этишнинг тарафдорлари, на миллий низо-ларга керосин сепатганлар.

9-бет

БИЗДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ БОРМИ?

Очиги, бундан уч-тўрт йил аввал ҳатто оддийгина шамоллашга қарши ишлатиладиган дориларни ҳам топиш мушкул эди. Дорихоналар пештахталари деярли ҳувиллаб ётар, одамлар эса излаган дориларни тополмай хуноб бўлишарди.

4-бет.

Дехқон қўмсар
даласин, туйғусида
оқ олтин

Қишлоқда
кўпқари
бошланди



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ: ДЕМОКРАТИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК ЙЎЛИДАН

Истиқлолга юз тутган мамлакатимизда инсон эрки ва ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳамда қонунчилик — адолат тамойилларига асосланган демократик жамиятнинг тўғри негизидир.

28 февралда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция демократик давлатчиликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг халқаро андозаларга мос самарали механизмини ишлаб чиқиш, бу борадаги қонунлар ва тегишли норматив ҳужжатларга тўла-тўқис риоя этишни таъминлаш масалаларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Олий Мажлис ҳузуридаги амалиётдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги Институтини ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ташкил қилинган ушбу анжуманда Олий Мажлис қўмиталарининг раислари, ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Олий Мажлис раисининг ўринбосари А. Қосимов конференцияни кириш сўзи билан очаркан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қонуний жиҳатдан кафолатли ҳимоялаш мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ҳамда иқтисодий-потенциал қудратини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Бу ўз-ўзидан тушунарли, албатта. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад ҳам жамиятни демократлаштириш, қонунчиликни кучайтириш, шахснинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳуқуқларини такомиллаштиришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсон эркинликларини кафолатлайди ва унинг дахлсизлигини таъ-

минлайди.

Маълумки, Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган эди. Ушбу муҳим ҳужжат муҳокамаси конференция қатнашчиларининг

диққат марказида бўлди. Омбудсманлик ваколати жаҳон тажрибасида янгилик эмас, балки инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоялаш учун ривожланган мамлакатларда бир неча ўн йиллардан бери қўлланиб келинади.

— Давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий назоратни амалга ошириш, халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилинишни таъминлаш бугун ҳар қачонгидан муҳимдир, — деди ўз сўзида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова. — Айтиш керакки, омбудсманлик суд ёки бошқа ижроия органи эмас, балки мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритади. Ҳозиргача турли масалалар бўйича фуқаролардан бизга 700 га яқин ариза ва шикоят тушди. Уларни ижобий ҳал этиш, кишиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун ҳуқуқ-тартибот органлари билан баҳамжиҳат иш олиб бораёلمиз.

Олий Мажлис ҳузуридаги амалиётдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти директори А. Турсунов, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари А. Саидов янги қонун лойиҳасига тўхталиб, уни янада такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар, баъзи амалий таклифларни ўртага ташладилар. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари гоясига минтақавий шароитдан келиб чиқиб ёндашиш, бу ишда парламентнинг роли, инсон ҳуқуқлари, демократик ва шахс манфаатини ҳимоя этиш борасида хорижий тажрибаларга бағишланган чиқишлар ҳам йиғилиш аҳлида катта қизиқиш уйғотди.

Конференцияда кун тартибидagi масала юзасидан турли нуқтаи назарлар баён этилди, мавжуд муаммолар қизғин муҳокама қилинди, баҳс-мунозаралар бўлди.

Н. ТОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАЗОРАТЧИЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИ

Тўйтепа шаҳрида Республика Президенти девони ҳузуридаги назорат инспекциясининг Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросининг назоратини ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятлари шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган назорат инспекциялари раҳбарлари иштирок этди.

Семинарда назорат иштини яхшилаш, текширувлар самардорлиги ва ошқоралигини таъминлаш, таянч гуруҳлари иштини фаоллаштириш, шунингдек, шикоят ва аризалар билан ишлаш, назорат инспекцияларининг ваколатлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси назоратини ташкил этиш борасидаги тажриба ўртоқлашилди.

(ЎЗА).

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Тошкентда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг (МДФ) навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда фонд кенгаши аъзолари, жамғарманинг Қорақалпоғистондаги ва вилоятлардаги бўлимлари вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот олиш кафолатлари ва

эркинлиги тўғрисида»ги ва «Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлари лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Ушбу қонунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилишининг ўзи мамлакатимизда демократия тамойиллари кенг ўрин олаётганининг исботи экани таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда МДФ ташкил этилганидан буён ўтган муддат ичида

амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот тингланди.

Конференцияда ташкилий масала кўрилди. «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад жамғарма ҳамраиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Президенти девони Ахборот маркази раҳбари Абдусайд Қўчимов иштирок этди.

(ЎЗА).

ГРУЗИЯ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Грузия мудофаа вазири генерал-лейтенант В. Надибаидзе бошчилигидаги шу вазирлик делегацияси расмий ташриф билан 26 февралдан 28 февралга қадар Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон Грузияни МДХ давлатлари орасида ҳамкорликнинг барча соҳаларида ишончли шерик, деб билади. Ҳам минтақавий, ҳам жаҳон миқёсидаги хавфсизлик масалаларида мамлакатларимиз ўртасида ҳамжиҳатликка эришилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Грузияга 1996 йил 28 майдаги расмий ташрифи Ўзбекистон билан Грузия ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка асос солди. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг Грузияга ўтган йилнинг сентябридаги расмий ташрифи бу ҳамкорликни амалда бошлаб юборишга кўмаклашди. Грузия мудофаа вазирининг

мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган музокараларда асосан Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Делегациялар ҳар икки томонни қизиқтирувчи кенг доирадаги масалаларни батафсил муҳокама қилдилар. Икки мамлакат мудофаа вазирликлари делегациялари ўртасидаги икки томонлама ҳарбий ҳамкорлик масалаларига доир музокаралар ниҳоясига етгандан сўнг якуний протокол имзоланди.

Грузиялик меҳмонлар Ўзбекистонга уч кунлик ташриф чоғида республикадаги Куролли Кучлари академиясида ва Тошкентдаги олий умумқўшин командирлари тайёрлаш билим юртида таълим-тарбия жараёнлари билан танишдилар, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

(ЎЗА).



Бувайда тумани Бувайда қишлоғида тикув-трикотаж фабрикаси ишга тушгач, 250 нафар ёшлар иш билан таъминландилар. Бу ерда болалар, аёллар ва эркекларнинг 10 турдаги ички кийим бошлари ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз сифатлилиги боис харидорлар бўлаётир.

СУРАТДА: Бувайда тикув-трикотаж фабрикаси илгор ишчиси Раъно Шералиева

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида барпо этилган поливинил хлорид қувурлари ишлаб чиқариш заводи нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Германиянинг «ЛРС» фирмаси мутахассислари кўмағида қурилган мазкур корхона энг замонавий технология асосида ишламоқда. Бир маромда ҳаракатга келади-ган дастгоҳ ва ускуналар компьютер ёрдамида бошқарилади. Бинобарин, завод чиқитиш технологияга асосланиб ишлайди ва экология талабларига тўла жавоб беради.

Корхона афзалликлари ҳақида гап кетганда шуни таъкидлаш керакки, диаметри 90 миллиметр бўлган қувурдан 1 минутда 3 метр тайёрланади. Бошқача айтганда, корхона бир кеча-кундузда тўрт хил ҳажмдаги 4 минг метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Шу туфайли иш уч сменада ташкил этилган. Ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг аксарияти Германияда тажриба орттириб келган. Шу боис янги корхона ўз қувватини ва самардорлигини тобора оширмоқда.

ҲАМЗА ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

«ЯС» -- «ЦЕБО» МЕРОСҲҲҲРИ

Ўзбекистонда Словакиянинг «Яс» ҳиссасдорлик жамияти ваколатхонаси очилди.

Бугунги кунда 5 минг ишчи хизмат қилаётган бу корхона МДХ давлатларида «Цебо» номи билан катта шуҳрат қозонган фирманинг меросхўридир. Жаҳон пойабзал бозорида ўзига хос мавқега эга бўлган ҳиссасдорлик жамияти ўз маҳсулотларини кўплаб давлатлар, жумладан, АҚШ, Франция, Австрия каби қатор ривожланган мамлакатларда ҳам сотишни йўлга қўйган. Бош директор Йозеф Варалининг таъкидлашича, жамият таниқли «Адиас» ва «Пума» фирмалари билан ҳам кенг ҳамкорлик қилади. Мазкур икки фирма билан тузилган қўшма корхона Словакияда пишиқ ва ҳар жиҳатдан қулай спорт пойабзаллари ишлаб чиқаради.

«Яс»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ян Немчик мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имконият ва қулайликлар мавжудлигига гувох бўлганини таъкидлади. Жиззах ва Гулистон шаҳарларидаги айрим ширкатлар билан қўшма корхона тузиш режалаштирилаётганини маълум қилди.

(ЎЗА).

• МУНОСАБАТ

КАТТА ДУНЁ
КЎПРИГИ

Адабиётсиз яшаб бўладими? Бу оғриқли савол ҳамма замондаям одамларни қийнаган. Ҳозир ҳам шундай. Бўлмаса Эрнст Хемингуэйдай улуг бир ёзувчи уруш ҳақида асар битиш учун урушга кирмас эди. Ёки ўзимизнинг Тоғай Мурод қишлоқ фожеалари ва оқ пахтанинг «қора» азобларини ўз бошидан кечирмаганида «Отамдан қолган далалар»ни катта шов-шувлар уйғотмас эди. Шундай деймиз, умуман ўзи Адабиёт миллат-элат танлармикан?

Бир воқеа эсимга кўп тушади. Шунда кўнглимда катта бир ҳайрат уйғонади. Англай дейман, ҳеч англолмайман. Ўтган қиш чилласида тоғда яшайдиган овчининг уйида Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили», Мопассаннинг «Азизим», «Ҳаёт» ҳамда бошқа бир қанча чет эл адибларининг асарларини кўриб, охири ҳайронлигимдан сўрадим: «Бу, болалар Тошкентда ўқишадими дейман?» У киши кулди-да «Ўзимиз, бўш вақтларда ўқиймизда. Э, анов токчаларни кўринг, ярим мингдан кўпроқ китоблар бор», деб қўйди. Зўра липпиллаб турган телевизорнинг устида эса Сергей Есениннинг ажойиб сурати турарди. Шунда Туркияда таҳсил олаётган толиб йигитнинг «Айтсам ишонмайсиз, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ини бир кекса кампирнинг қўлида кўриб, кутубхонада эса жаҳоннинг ўндан ортиқ тилига таржима қилинган «Бобурнома» ва Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Рауф Парфиларнинг тўпламларини топиб ўқиганимда кўзларимга ёш келди» дея айтган тенгсиз ҳаяжонини тушундим ва асл адабиёт ҳеч қачон чек-чегара танламаслигига амин бўлдим.

Куни кеча эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналин ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ана шу ҳақиқатнинг тўғрилигини яна бир карра исботлади. Чунки дунё адабиётидаги энг нодир намуналар барча халқларнинг кўнгил мулкларини саналади. Ўтган асрларда ҳам, қолаверса, бугунги озодлик замонида ҳам жаҳон маданиятининг ноёб дурдоналари у қайси миллат ё элатга тегишли бўлмасин, умум-башарий мезонлар асосида ўлчанади. Бу асарларнинг жўғрофий манзили эмас, балки инсоний қадр-қиммати кўпроқ ҳисобга олинади. Шу маънода «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши -- озод Ўзбекистонни катта дунё сари элтувчи қўлғу манзилдир.

Очиғи, тан олиш керак, бизлар ўртада Европадан узилиб қолдик. У томонда яратилган дунёвий асарлар бизларга, бу томонда шўҳрат топган қимматли асарлар эса у ёққа етиб бормади. Бугунги куннинг мезони энди бошқача. Зеро, яхши ниятлар билан тафаккур дунёмизга қадам қўяётган «Жаҳон адабиёти» журналин ҳам ана шу юксак ўлчовларга жавоб беришига ишонгимиз келади. Чунки бизнинг элда ер шаридаги ҳамма халқларнинг маданияти, маърифати, қолаверса, адабиёти гоёят қадрланади.

Адабиётни мамлакатлар, халқлар ўртасидаги кўприкка менгзашади. Лекин ундан ўтиб-қайтиш ҳам осон эмас. Бунда аҳолининг сон-ҳисобимас, балки тафаккур кўзгуси, маънавий бойлиги кўпроқ ўрин тутиши табиий. Шундай экан, Ўзбекистон деган бетакрор юрт эшиклари ҳам жаҳон адабиётига каттароқ очилаётир.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, аччиқ ҳақиқатни ҳам инкор этолмаймиз: кўплаб хўжаликларда йиллик режалар бажариляпти. Тонналар салмоғи бир қарашда ҳатто кишини ҳайратга солади. Бироқ, маҳсулот етиштирган деҳқоннинг кўли пул кўрмайпти. Нега шундай бўлмоқда? Ахир Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги аъзолари 6 миллион 900 минг сўм ҳақдор бўлдилар-ку? Уч миллион юз минг сўмдан ортиқ нақд пулнинг деҳқонларга тарқатилишини қандай баҳоламоқ керак?

Сўхбатдошимиз Мамажон ака Ҳамроев вилоятда таниқли оқсоқол раислардан. У етакчи бўлган хўжалик деҳқонлари боқимандалик кайфиятидан қўтилиб, ўз арава-ларини ўзлари тортишлари кераклигини аллақачон тушуниб етишган. Улар энди ҳар қарич ернинг тақдири учун масъул эканликларини, юқоридан бериладиган кўрсатмаларни кўр-кўрона бажариш билан кифояланиб қолмай, аксинча бой тажрибаларга асосланган ҳолда ақл-заковат билан иш юритиш

қилибдими қандини урсин. Саидахон Ҳамдамова деган қизимиз 21.895 сўмга, Гулсарахон Исмоилова деган синглимиз 43.895 сўмга, Аҳмадилло Юсупов укамиз 34.748 сўмга эгадор бўлдилар. Бу каби мисолларни яна келтиришимиз мумкин.

Хўш ери, суви бир бўлатуриб нима учун айрим жойларда натижа икки хил бўлмоқда? Оқсоқлик сабабларидан бири ишни ташкил қила билмаслик, нўноқлик, зиммасига юклатилган вазифага совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарашдир. Мен шундай деб

самарасидир.

Томорқа кишиларга қўшимча даромад келтиради. Бойлигига бойлик қўшади. Ҳамма гап ундан самарали фойдаланишда. Ерни олишга олволиб уни қаровсиз ташлаб қўйиш, умрини бекор ўтказиш кечирилмас ҳолдир. Ернинг уволига қолганларнинг қосаси оқармайди.

-- Юртбошимиз сизнинг хўжалигингизда бўлган чоғларида тўртинчи бригада ўрамидаги гуркираб ўсаётган дарахтларни кўриб, «бу тераклар неча йилда иморатбон бўлади?» дея сўраганлари ёдимизда.

ЕРНИНГ УВОЛИГА ҚОЛГАНЛАРНИНГ
КОСАСИ ОҚАРМАЙДИ

зарурлигини яхши биладилар.

Сўхбатимиз айнан шу ҳақда.

-- Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалик масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Сиз ҳам иштирок этдингиз. Вилоятимиз деҳқонларининг вакили сифатида ўз фикр-мулоҳазаларингизни ўртага ташладингиз. Шу ҳақда тўхталсангиз.

-- Иқтисодий ислохотлар маҳсулот етиштирувчи ҳар бир кишидан, мутахассис раҳбардан аниқ ҳисоб-китоблар асосида иш юритишни, сарф-харажатларни кўпайтирмаган ҳолда юқори натижаларга эришишни талаб этмоқда. Далада ишловчилар илгаригидек бир амаллаб кунни кеч қилиш учун шийпонга келиб кетмаётганлар. Қўл учиди ишламаяптилар. Аксинча улар онгиди шу ер мени, бола-чақамни боқипти, қозонимни қайнатяпти, уст-бошимни бут қияппти, деган муқаддас тушунча қайта уйғонди. Ана шуниси жуда муҳим.

Кейинги пайтларда бизда ернинг чуқур ёки саёз шудгор қилиниши, экиннинг чала ёки қўллатиб сугорилиши, пахтанинг ҳам ёки чаногиди қолдириб терилиши устидан назорат қилувчиларга умуман ҳожат қолмади. Назоратчи деҳқоннинг ўзи. Ҳосил тақдири учун ўзи жавоб беради. Негаки у қанча яхши ишласа, моддий манфаатдорлик ҳам шунча салмоқли бўлишини сиз-у мендан яхши билади. Энди тушунгандирсиз, биз ўтган хўжалик йилида қандай қилиб гектаридан 37,2 центнердан ҳосил олганимизни? Ҳамиджон Мирзааҳмедов, Асалхон Расулова, Сисбатхон Абдулласевага ўхшаш деҳқонларнинг умри далада ўтмоқда. Улар суянган тоғларимиз. Ҳар бири унча-мунча агрономдан, ҳисобчидан, механизатордан қолишмайди. Улар бош бўлган бригадаларда 40-50 центнердан хирмон уюлди. Умуман олганда биз 8,5 миллион сўм соф даромад қилдик. Кимки ҳалол меҳнат

биламан. Яшириб нима қиламан. Бизда ҳам шу хилдаги раҳбарлар топилади. Масалан, Ҳакимжон Қоди-ров, Набижон Холматовлар бригадир-ликдан олиб ташландилар. Тўғри, уларда ҳам йиллик режа бажарилди. Бироқ, ҳосилдорлик биз кутган даражада бўлмади. Оқибатда уларнинг қўл остида меҳнат қилганлар даромади бошқаларникига нисбатан анча паст бўлди. Бундай ачинарли ҳолат ҳамма-мизни ташвишга солди ва қатъий чора кўришга мажбур этди.

Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда қишлоқдаги иқтисодий ислохотларнинг гуркираб ривож топиб кетишига тўққонлик қилаётган камчиликларни ўртага ташладим. Мана қаранг: баҳорги дала ишлари бошланиши билан ёниги, ўғит учун маблаг ажратилади. Аммо тўпроқ кечиб, чанг ютиб меҳнат қиладиган колхозчига иш ҳақи ёзилаверди-ю пули вақтида берилмайди. Ахир ҳосил тақдири кўкламги дала ишларининг тўла-тўқис бажарилишига боғлиқ эмасми? Ана шу сермашаққат юмушларни колхозчи бажармай қим бажаради? Шундай экан, колхозчига пул ажратилиши, ўша пул вақтида тарқатилиши шарт. Пахта толеси, пилланинг пулини ҳам тўлалигича бериш керак.

-- Томорқа кўт-барака, маъмурчилик манбаи. Ундан омилкорлик билан фойдаланаётганларнинг омибори донга тўлмоқда, мол-қўни борлар озуқа ташвишидан ҳалос бўлмоқдалар, шундай эмасми?

-- Бўлмасамчи. Яқин-яқинлардаям одамлар қўшимча бир парча ерга етишолмай юришарди. Бир қанча оила битта ҳовлида яшашига мажбур эди. Шахсан юртбошимизнинг ташаббуслари билан қишлоқ меҳнат аҳлига томорқа ерлари ажратилди. Уч йил ичида 600 оилага томорқа бердик. Кўплар турар-жой бинолари қуриб олдилар. Бир гуруҳи томорқасида бугдой, шол, маккажўхори етиштирмоқда. Кейинги йилларда аҳоли қўлида чорва ҳайвонлари, паррандалар сезиларли даражада кўпайди. Бу ем-хашак муаммосининг маълум даражада ҳал этилаётганлиги

-- Серфарзанд кишилар эмасмизми, кўлимиз пул кўрди дегунча фарзандларимиз учун уй қура бошлаймиз. Биласиз, қишлоқ уйлари асосан ёғоч билан тикка бўлади. Ёғочнинг баҳоси эса осмонда. Хўш, нима қилиш керак? Излаган имкон топади, дейдилар. Айримлар томорқаларига иморатбон терак кўчати ўтказдилар. Бригадаларда бўлса йўл қирғоқлари, ариқ-зовур бўйларига, умуман бўш ётган ерларга терак экишга оммавий киришилди. Президентимизнинг назари тушган ўша тўртинчи бригаданинг ўзида ўн минг тўп терак ўстирилмоқда. Ҳадемай улар жонимизга оро киради. Бундан ташқари бригада катта даромад олади. Одамларга ҳам, жамоага ҳам фойда келтиради.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, маҳсулот етиштирувчиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилишга эътибор қаратмоқдалар. Кредит-қарзлар тўловининг икки мингинчи йилгача узайтирилганлиги хўжаликларнинг қаддини тиклаб олишлари имконини беради. Машина-трактор паркларининг ташкил этилишини айтмайсизми. «Кейс» комбайнларининг шарофати билан ҳар гектар бугдойзордан ўрим чоғида 4-5 центнер сара доннинг тўкилиб, нобуд бўлишининг олди олинди. Бунга ўзимиз гувоҳ бўлдик. Бошқа турдаги техника воситаларидан аераб-авайлаб фойдаланиш, уларни таъмирлаш, ёниги сарфи каби ҳолатларни олиб кўрсак, биз ютсак ютаемизки, асло ютқазмаймиз.

Биз содир бўлаётган янгиликларни дадил қўллаб билмасак, бой тажрибалардан фойдаланмасак, мустақил фикрлай олмасак, депсиниб тураверамиз. Биримиз икки бўлмайди. Деҳқонга кенг имкониятлар берилди. У бугун мулкдор, фермер бўлмоқда. Мулк эгаси бўлиш, меҳнат қилиш, иш юритиш имкониятлари бўлатуриб яна илгаригидек юқоридан нажот кутишга эса тоқат қилиб бўлмайди.

«Халқ сўзи» мухбири
Ш. ОДИЛЖОНОВ сўхбатлашди.



ЭЛГА ХИЗМАТ -- ОЛИЙ ҚИММАТ

«Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент ҳудудий бўлимида 600 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилади. Бўлимнинг ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгани ишда туб бурилиш ясади. Ходимларда масъулият ҳисси кучайди, манфаатдорлик ошди.

Жамиятнинг ДЭУ участкасида Асакада ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналарига техник хизмат кўрсатилади. Бу ерда ҳар куни 20-25 та автомашина техник қаровдан ўтказилмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳудудий бўлимга ҳаётидан лаҳзалар.

М. АМИН (ЎЗА) олган суратлар.



ҲАМ ОИЛАНИ БОҚАДИ, ҲАМ БОЗОРНИ ТЎЛДИРАДИ

Файзиобод қишлоғи Қарши шаҳрига туташ «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган.

Файзиободликлар Қодирхон Одиловни саводхон деҳқон, дея таърифлашади. Қодирхон аканинг раҳматли дадалари узоқни кўрабиладиганлар хилдан эди. У ўғлига 28 сотих томорқа қолдириб кетди.

Қодирхон ака нафақага чиққач, ана шу томорқани ишга солди. Нималар экишни оиласи билан бамаслаҳат режалаштириб чиқди: Алмашлаб экишни жорий этди. Кейинги уч-тўрт йил ичида томорқага гўнг солинмаганлиги учун кузда махсус хандакка компост бостириб, томорқага солди. Бир сотих жойдаги теплицасида 16 туп лимони бор. Дарахт ораларида қарам, помидор кўчатлари етиштиришни йўлга қўйди. Ҳар йили қўшнилари помидор экиш учун апрелнинг бошларида ер тахлаётганда Қодирхон аканинг томорқасида помидор ҳосилга кирган бўлади.

1995 йили томорқадан олган даромадини ҳисоб-китоб қилмаган экан. Ўтган йили иккита қалин дафтар тутди. Бирига қайси экинни қачон эккани, қанча ҳосил олганини ёзиб борди. Иккинчисига олинган даромадларни қайд этиб турди.

Ўтган йили 10 сотих жойга галла, 5 сотихга помидор, шунча жойга картёшка, 0,30 сотихга бодринг, 1 сотих ерга турли-туман кўкатлар, 4 сотих жойга ка-

рам, пиёз, сабзи, шолғом, редиска экиди.

Майнинг охири, июннинг бошларида ҳашар уюштириб, галлани икки кун ичида ўриб янчиб олди. 10 сотих жойдан қарийб 1,5 тонна дон чиқди. Ўрни ағдарилиб, бир қисмига теп-

лас, ўтган йили оила еб-ичганидан ташқари 5 тонна помидор, 3 центнер лимон, 3 тонна сабзи, шолғом, пиёз, турли кўкатлар, 2,5 тонна олма, узум, анор, ва бошқа мева-ларни бозорга чиқаришди. 100 туп ошқовоқнинг ҳар бири ўртача 15

бон Омонов деган муҳандис йигит. У 25 сотих томорқасига плёнка остига экин экиб, маҳсулот-етиштиришни мукаммал ўзлаштирганлардан. Бир йилда уч марта ҳосил олади. Февраль ойининг ўрталарида бозорга бодринг чиқаради. Ҳозир 4 сотих ердаги бодринг гарқ етилган. Фақат бодринг ва кўкатларнинг ўзидан 250 минг сўм даромад қилапти. 12 сотих ерга эса галла экиб қўйибди. Уни ўриб-янчиб олгач, ўрнига помидор ва бодринг экади. Бу экинлар йиғиштирилгач, сабзи, шолғом, қарам парваришлайди. Хуллас, ишнинг кўзини билган кишига даромад оқиб келаверар экан.

Қурбон Омонов шахсий томорқасида етиштираётган ем-ҳашак эвазига тўрт бош сигир, 20 бош қўй боқаяпти. Ана шуларнинг ҳаммаси ўтган йили оилага 420 минг сўм даромад келтирди.

Мақолага шу ерда нуқта қўйсақ ҳам бўларди. Лекин хўжаликда бир талай муаммолар ҳам борки, улардан кўз юмиш...

Хуллас, «Намуна» жамоа хўжалигида 2298 хонадон бор. Уларга 127 гектар томорқа ажратилди. Ўтган йили хўжалик бошқарувининг қарори билан 31 гектар сувли ер дала ҳовли сифатида берилди. Лекин ана шу ажратилган томорқадан ўз ўрнида, оила фаровонлиги йўлида фойдаланмаётган кишилар ҳам талайгина. Кўпчилик хонадонлар томорқасига чорвабоп озуқа экиб олишдан нарига ўтмаётир. Галла экилган майдонларга такрорий сабзавот, картошка экиш йўлга қўйилмаган.

Кези келганда шунини ҳам айтиш лозимки, шахсий томорқалар учун етарли сув ажратилмайди. Айрим оилаларнинг ҳатто, томорқа ерини шудгорлашга ҳам қурби етмайди. Уларга зарур моддий ёрдам бериш, уруғлик ажратиш учун хўжалик раҳбарлари масъул эмасми?

П. ГАДОВЕВ,

«Халқ сўзи» мухбири.

• ТОМОРҚА -- ХАЗИНА



донадан ҳосил берди.

Биргина бу эмас, хонадонда доимо 15 бош қўй, 4-5 бош қорамол, 30 та товук сақланади. Сўқимга боқадиган қўй ва қорамолни ҳар уч-тўрт ойда алмаштириб туришади. Йилига ўртача беш тонна гўшт етиштиришади.

Қодирхон аканинг аёли Зайнаб опа сариеғ тайёрлашга жуда моҳир. Ўтган йили 132 килограмм сариеғ тайёрлаб, қарийб 20 минг сўмга сотди. Бу ҳам даромадми? Даромад.

Оила аъзоларининг хомчўти бўйича томорқадан ўтган йили 363 минг 900 сўмликдан зиёд маҳсулот сотилди.

Хўжалик ҳудудидаги қўшни «Қозоқ» қишлоғида ҳам томорқадан мўмайгина даромад кўраётган оилалар талайгина. Улардан бири Қур-

лидада ўстирилаётган кечки помидор кўчатлари ўтқазилди, бодринг



экилди. Картошка кавлаб олингач, ўрнига қишқи сабзи, шолғом уруғи, бодрингнинг ўрнига эса маккажўхори сепди.

Томорқанинг айланаси дарахт билан банд. Бу ерда 150 дан ортиқ мева-дарахт бор. Ана шу дарахтлар оралиғига ошқовоқ экилди. Хул-

Зарафшон воҳаси замини азалдан археологик ёдгорликлар, меъморчилик обидаларига бой. Яқинда Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани ҳудудидаги Қоратери қишлоғи яқинидан ана шундай манзилларнинг яна бири топилди.

Бу қишлоқ яқинидан ўтувчи анҳордан болалар турли

сопол буюмлар, кўза ва товоқларнинг қолдиқларини олиб чиқишди. Сопол парчалари жсарандор бўлиб, сирти қизғиш, орасида ноёб бир ҳайкалча ҳам бўлиб, аёл кишининг қиёфаси тасвирланганди. Аёл тик турган ҳолатда ифодаланиб, ярим ой шаклидаги бош кийимида ва бўйнига мунчоқлар тақилган. Бундай ҳайкалларда ҳосилдорлик, қут-барака маъбудаси -- Анахита акс эттирилгани археологлар томонидан аниқланган. Қадим Шарқда ҳосилдорлик, қут-барака маъбудаси аёл киши қиёфасида

АНАХИТА ҚУТ- БАРАКА КЕЛТИРГАН

ифодаланганлиги маълум. Ҳатто оташпарастларнинг муқаддас китоби -- Авестода ҳам Анахита алоҳида меҳр-муҳаббат билан тасвирланади. Анахитанинг бу мўъжаз ҳайкалчаси азалдан деҳқончилик билан шуғулланувчи, маданияти юксак даражага ривожланган Сўғдиёна таркибидаги Миёнқол заминидан топи-

лиши бунини яна бир қарра исботлаб турибди. Қадимги манбаларда ҳам Миёнқолда ширин-шакар мева-лар, галла ва бошқа экинлар етиштирилгани ёзилади.

Олимларнинг фикрича, ушбу ҳайкалча ва бу ердан

топилган бошқа сопол идишлар Кушонлар империясининг сўнгги йилларига, аниқроғи, эрамининг IV асрига оиддир. Ушбу топилмалар бу ерда антик даврга оид қимматли ёдгорлик қолдиқлари сақланаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР ОЙДА ЎН САККИЗ МИЛЛИОН СЎМ

Бухоро шаҳридаги бозорларда мева-сабзавот маҳсулотлари нархи бироз арзонлашди. Бунга сабаб шаҳарга яқин туманлардан маҳсулот олиб келувчи деҳқонлар учун махсус автобуслар ажратилгани бўлди.

Натижада шаҳарга тонналаб маҳсулотлар кириб кела бошлади. Айтишга, кечки бозорнинг ташкил этилгани шаҳар аҳлига катта қулайлик туғдирди. Тунги бозорда ҳар кун қарийб 2 миллион сўмга яқин маҳсулот сотувга қўйилмоқда. Биргина, ўтган ойда бозордан давлат хазинасига 18 миллион сўм маблағ тушди. Шундай бўлгач, пул эмиссияси ҳам камаяди.

Манинн ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

УРУШСИЗ СОНИЯ

Таниқли инглиз дипломатларидан бири ҳозир Ердаги ҳаётга ядро қуроллари, табиат экологиясининг бузилиши ва маҳаллий низолар катта хавф солиб турибди, деб айтганди.

Агар XX асрнинг бошларида 90 фоиз аскарлар турли урушларнинг бандилари бўлишган бўлса, ҳозир шу рақамларнинг тамомила тескариши юз бермоқда. Эндиликда қуролли тўқнашувлар давлатлар ўртасидаги урушлар сифатида эмас, балки фуқаролар уруши тарзида юз бермоқда. Биргина, 1994 йил Руандада юз берган элатлараро маҳаллий уруш 500 минг киши умрига зомин бўлганлиги маълум. Мамлакатнинг 7 миллионлик аҳолисининг тахминан ярми қочоқлар ҳолига тушган. Қочоқлар оқими қўшни Танзания, Зойр, Бурунди, Уганда ва бошқа мамлакатларни ҳам нотинч қилаётди.

Фуқаролар уруши натижасида Суданда 500 мингдан ортиқ фуқаро ҳалок бўлган. Бу кўрсаткич Сомалида 350 минг, Шарқий Тиморда 150 минг кишига тенгдир. Маълумки, маҳаллий низолардан Осиё қитъаси ҳам ҳоли эмас. Қитъанинг кўпгина мамлакатлари маҳаллий олишувларнинг азобини чекишган. Шри-Ланкада 12 йилдан бери давом этиб келаётган маҳаллий низо 50 минг киши ҳаётини қуритди. Мамлакатнинг шимолида Тамилларнинг мустақил давлатини тузиш учун бўлаётган ҳаракати ва ҳукуматнинг унга қарши турганлиги мамлакат ҳаётини издан чиқармоқда.

Афгон тупроғида 18 йилдан бери давом этиб келаётган ҳарбий тўқнашувлар мамлакат иқтисодини тамомла издан чиқарди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Бугун қачонлардир Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланган Афғонистон пойтахти Қобул ярим вайрона ҳолга келтирилди. Минглаб қобулликлар ҳалок бўлишди. Пойтахт аҳолисининг тахминан ярми, яъни 600 минг киши шаҳарни тарк этишган. 2 миллиондан ортиқ афгонлар ўз юртларидан ташқаридаги қочоқлар лагерларида кун кечиришмоқда. Бугун Афғонистон ўртача умр кўриш бўйича жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳарбий экспертларнинг маълумотида қараганда, Афғонистон ерларида жойлаштирилган 10 миллиондан ортиқ миналар одамларга хавф-хатар солиб турибди. Уларни йўқ қилиб ташлаш учун жуда катта миқдордаги маблағлар сарфланиши лозим.

Маҳаллий можаро ва ҳарбий тўқнашувлар мамлакат учун жуда қимматга тушиши мумкинлигини фуқаролар уруши юз берган бошқа юртлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Босния ва Герцеговинада давом этган 3 йиллик можаро қанчадан-қанча одамлар бошига кулфат келтирди. Мамлакат 80 миллиард доллар миқдорда моддий зарар кўрди. 15 та шаҳар умуман вайрон этилди. Кўп миқдордаги саноат қорхоналари, маданият муассасалари йўқ қилиб юборилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Африка, Лотин Америкаси ва Осиёнинг қатор мамлакатларида бўлиб ўтган маҳаллий низо ва ҳарбий тўқнашувларга манзил бўлган мамлакатларнинг аянчли иқтисодий аҳолини кўз олдимизга келтирсак, бунга амин бўламиз. Ангола, Афғонистон, Мозамбик ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг бугунги азоб-уқубатли турмуши бунга мисолдир.

Ушбу маҳаллий можаро ва низоларни фақат айрим мамлакат, балки минтақалар ва қитъаларга ҳам салбий таъсир ўтказиб турибди. Зеро, Афғонистон ва Тожикистондаги кескин вазият марказий Осиёдаги хавфсизликка таъсир ўтказётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Айтиш мумкинки, ҳар бир минтақа хавфсизлиги мамлакатлар билан, Ер юзи хавфсизлиги эса минтақалар хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир. Демак, маҳаллий низолар бартараф этилмас экан, минтақалар хавф-хатардан ҳоли бўлолмайди. Минтақалар барқарорлиги таъминланмас экан, сайёрамиз осойишта кун кечиролмайди. Кичик урушлар, ҳарбий тўқнашувлар ва маҳаллий можаролардек иллатнинг янги — XXI асрга ҳам ўтиши асло яхшилик келтир-майди.

БМТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти, ЕХХТ каби қатор халқаро ва

минтақавий ташкилотлар маҳаллий можароларни, ҳарбий тўқнашувларни тугатиш учун қилаётган сий-ҳаракатларини асло тўхтатганлари йўқ. Ана шу тadbирлар туфайли сайёрамиздаги бир неча «Оловли нуқталар»га барҳам берилди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1996 йилда 20 га яқин тинчлик ўрнатиш миссияларини ишга солди. Тинчлик ўрнатиш операцияларида жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган 80 дан ортиқ мамлакат иштирок этди. Ушбу мақсадлар учун тахминан 3 миллиард доллар маблағ сарфланди. Яқин шарқ, Афғонистон, Ангола, собиқ Югославия ва бошқа минтақа ҳамда мамлакатлардаги тинчлик ўрнатиш миссиялари фаолияти шулар жумласига кириди.

Янги йил муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка, Бирлиги Ташкилоти, Рим папаси, Жаҳоннинг таниқли давлат ва сиёсат арбобларининг берган баёнотларида инсоният олдида турган муҳим вазифалар қаторида маҳаллий низоларни даф этиш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат, кўпгина жаҳон муаммо-



ларини ҳал этиш учун биринчи навбатда тинчлик ва осойишталик қарор топиши лозим. Бу юмушларни адо этиш учун катта миқдордаги молиявий ва моддий маблағлар ҳам зарурдир.

Минтақадаги ҳамда ундан ташқаридаги можароларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишида фаол қатнашиш мустақил Ўзбекистон давлати ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50 сессияларида сўзлаган нутқида илгари сурилган таклифлар фикримиз далилидир. Унда Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликни чуқурлаштириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қўшни Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятни соғломлаштириш гоёлари ўртага ташланган. Жумладан, Президентимиз жаҳон ҳамжамиятининг олий минбаридан туриб, Афғонистонга четдан қурол-яроғ етказиб беришни таъқиқлашни, ушбу мамлакат қарама-қарши туриш объекти эмас, балки тинчлик ва барқарорлик объекти бўлиши лозимлигини айтиб ўтган эди. Халқаро жамоатчилик мамлакатимиз раҳбарининг ушбу тинчликсевар таклифларини қизгин маъқуллаб чиқди.

Шу ўринда, давом этаётган қуролли можароларни бартараф этишда ҳар бир мамлакат, қолаверса, ҳар бир инсон масъулияти эканини яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқ жоиз. Зеро, урушсиз ўтган ҳар бир сония тараққиёт сари қўйилган янги қадам, демакдир.

Талъат СОЛИЕВ.



2 МАРТ -- ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
БМТга АЪЗО БЎЛГАН КУНИ

Бундан беш йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига яқдиллик билан қабул қилинган эди. Ўша кундан бошлаб БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи бинолари узра мамлакатимиз байроғи ҳилпирай бошлади.

Маълумки, ижтимоий тараққиёт ҳозирги кунда мамлакатлар Ер юзидаги халқаро аҳамиятга молик муаммоларни яқка ҳолда ҳал эта олиш қийин эканлигини кўрсатиб турибди. Бу каби зиддиятчи ва ихтилофли муаммолар халқаро миқёсда кўриб чиқилгандагина бир муваффақиятга эришиш мумкинлиги барчага аён. Шу ўринда БМТ фаолиятига алоҳида тўхталмоқ лозим. Зеро, айна дамда «Совуқ уруш» сиёсати тугаган бўлса-да, дунёнинг турли нуқталарида -- Жазоирдан то Шри-Ланкагача, Судандан то Чьяпасгача, Шарқий Тимордан то Сьерра Леонагача бўлган ҳудудларда қуролли можаролар давом этмоқда. Айтмоқчимизки, БМТнинг бу

ТЕНГЛАР ИЧИДА

каби халқаро зиддиятларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш, сайёрамизда ирқчилик ва мустамлакачилик сиёсатини батамом тугатиш, тараққиёт йўлида ёрдам бериш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этиш борасидаги сий-ҳаракатлари жаҳон афкор оммасининг унга бўлган ишончини янада оширди. Бугун ўз таркибига 186 мамлакатни бирлаштирган

БМТнинг ер юзида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш борасидаги фаолияти ҳар томонлама шаклланди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Зотан, ҳозирги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг ажралмас бўлагига айланди.

Яқинда ушбу сана муносабати билан БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик ўтган беш йил давомида мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги фаолиятига муносиб баҳо берди.

-- Мамлакатингизни жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва тараққиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлаганлиги мени жуда қувонтиради, -- дейди жаноб вакил. -- Маълумки, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликнинг

ишончли тизимини яратишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутди. Бу борада мамлакатингиз Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуслари эътиборга лойиқ. Сир эмас, бугунги кунда Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятдан кўпчилик ташвишланмоқда. Табиийки, ушбу ўзаро можаролар нафақат уруш кечаётган мамлакат, балки бошқа давлатлар учун ҳам хавф туғдиради. Бу ҳол ўз ўзидан мазкур зиддиятларни бартараф этишга чуқурроқ ёндашиш лозимлигини тақозо этади. Шу маънода, Марказий Осиёдаги янги давлатлар ўз муаммоларини музокаралар йўли билан ҳал қилишлари зарур. Ана шу йўлни танлаган Ўзбекистон бунга оғишмай амал қилиб келмоқда.

Шунингдек, Холид Малик жаноблари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ минбаридан билдирган ташаббуслари бугун амалиётга айланганлиги, ўтган беш йил давомида Ўзбекистон БМТнинг бир қатор ихтисослаштирилган ташкилотларига аъзо бўлганлиги ва республикаимизнинг БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид бир қанча халқаро конвенцияларига қўшилганлиги хусусида ҳам сўзлади.

Матбуот конференцияси сўнггида Х. Малик журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ф. САНАЕВ;
«Халқ сўзи» мухбири.

МОСКВАДА ЎТКАЗИЛАДИ

МИНСК. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг навбатдаги кенгаши жорий йилнинг 28 март куни Москвада ўтказилади. РА-ТА-ТАСС ахборот маҳкамаси Ҳамдўстлик ижроия котибияти тарқатган хабарга асосланиб шунини маълум қилди.

Айни пайтда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаши раиси вазифасини бажараётган Борис Ельциннинг матбуот котибияти ҳам ана шу сана олий даражадаги учрашув ўтказиш учун мақбул эканини таъкидлаган.

Маълумки, Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари учрашуви Россия Президентининг саломатлиги ёмонлашгани сабабли аввалига 18 январдан 31 январга, кейин эса номаълум муддатга кечиктирилган эди.



ХОРИЖДА

СЕУЛ. Сўнгги пайтларда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги сиёсий тангликни янада кескинлаштирувчи турли воқеалар содир бўлмоқда. Кунинча шимолий кореялик аёлининг икки давлат чегарасини бузиб ўтгани яна янги шов-шувга сабаб бўлди. Қизғин шундаки, оммавий ахборот воситаларини аёлининг Жанубий Кореяга қочиш ўтишга мажбур этган омилар эмас, балки, унинг махсус қўриқланадиган чегарадан қандай ўтиб олгани кўпроқ қизиқтирмоқда.

ВАТИКАН. Рим-католик черкови инсонни сунъий кўпайтириш (клонирлаш) усулини кескин қорайди. Ватикан маъмурияти вакилининг маълум қилишича, Рим-католик черкови инсоният устидан ана шундай тажриба ўтказишни худлик билан тақиқловчи халқаро шартнома қабул қилинишини таклиф қилмоқда. Ватикан газетасининг ёзишича, техника тараққиёти бу борадаги тажрибаларнинг яхши натижа беришига имконият яратаётганига қарамай, ахлоқий нуқтаи назардан бундай ҳолга асло йўл қўйиб бўлмайди.

ХАБАРЛАР

Халқ
сўзи

5

1
март





Эл оғизига
тушган кишилар
ҳақида ёзиш

қийин. Айниқса, улар ҳақида вилоят ва республика газеталарида мақолалар ёзилган, радио ва телевидениеда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланган бўлса. Батъан шу ниятда тунни тонга улайсан. Унинг таржимаи ҳоли-ю, иш фаолиятдан тортиб, файласуфларнинг нақллари, у ҳақда билган-эшитганларининг тошу тарозуга соласан. Жўяли бир фикр, анчайин ўхшатиш, ҳаётдан муҳим қирра тополмаганингдан қийналасан.

Этибор қилган бўлсангиз, киноижодкорлар жонлироқ чиқиши учун асосий қаҳрамон ёнидан (у кўчада кетаётганида) тўрт-беш кишини нари-бери ўтиб туришини «ташқил этади». Ҳаётда эса ҳамма нарса жонли, ҳар бир киши — асосий қаҳрамон. Фақат кўпинча ёнимиздагиларнинг қаҳрамонлигини англамай қоламиз.

Навоий тоғ-металлургия комбинати (НТМК) Бош директори Н. И. Кучерский билан биз унга Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилишидан бир неча кун олдин учрашган эдик. У шошиб турганига қарамай, анча суҳбатлашиб қолдик. Қилинган ва режаланган ишлар шу даражада кўп эдики...

Навоийда Кучерский ҳақида кўплаб латифамамо гаплар юради. Масалан, сигири йўқ бевага комбинат ҳисобидан говмуш совға қилганлиги, 12 яшар болани чет-елда операция қилдириш учун 100 минг доллар ажратганлиги ҳусусида. Аслида бу — ҳақиқат.

НТМК бугунги кунда ўзининг стратегик маҳсулотлари билан Ўзбекистонни жаҳон бозорига олиб кирмоқда. Дипломатлар, тужжорлар, инвесторлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари бунинг эътирофи этишмоқда. Ваҳоланки, бу корхона ҳам бир неча йил аввал инқирозга юз тутай, деб қолган эди.

— Юртбошимизнинг кучли иқтисодчи эканлиги ана шу инқирозга барҳам берди, — дейди Н. Кучерский. — 80-

ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ

ўзини оқламаганини вақт кўрсатди. Юртбошимиз учинчи йўлни кашф этди. Давлат комбинат учун кредитор бўлди. Унинг томонидан НТМКнинг бозорга ўтиш йўлидаги узоққа мўлжалланган дастури маъқулланди. Шу боис кон техникаси импорти учун беш йил мобайнида 200 миллион доллардан ортиқ маблағ ва қарз берилди. Валюта тушумини юз фоиз комбинат ҳисобида сақлаб қолиб, қайта таъмирлашда фойдаланиш учун рухсат этилди. Айни пайтда корхонага ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш, шартномалар тузиш, инвестицияларни жалб этиш, қарзлар олишда тўлиқ эркинлик берилди.

Учинчи йўл ўз самарасини берди. Қизилқум чўлларида кончилик ишлари жонланиб,

йилларида тажрибали мутахассисларимиз ўз юртларига кета бошлашди. — эслайди Николай Иванович. — Бу ўринда тушунмовчилик келтириб чиқарган омилларни биз эмас, улар тушуниб олишлари учун эса вақт керак эди. Кейинчалик тушуниб олишди ҳам. Юзлаб, минглаб одамлар яна қайтиб кела бошлашди. Ўша «кадрлар оқими» даври ҳаётимдаги оғир дамлар эди. Ҳар кун юзлаб одамлар билан учрашар, тушунтирар эдим. Ҳар бирининг кўнглини топиш лозим эди.

— Ҳар ким ўз тақдирининг ҳужайини. Бунга аралашинг унинг ички ишига аралашинг эмасми? — сўраймиз ундан.

— Тақдирга масъуллик ҳақида ҳеч ўйлаганмисиз? — савол билан жавоб бошлайди Николай Иванович. — Ўша

кетаётганларни ўз юртларида ҳеч ким кучоқ очиб кутаётгани йўқ эди. На ўша қўшфуқароликни жорий этишнинг тарафдорлари, на

миллий низолағга керосин сепатганлар. Улар минглаб кишилар тақдирини остин-устун қилаётганлари билан заррача қизиқмас эдилар.

Энди «кадрлар оқими» тўхтатган омиллар ҳақида гаплашсак. Ишни биринчи навбатда меҳнат шартномаси тузишдан бошладик. Ҳар ким қобилиятига яраша ҳақ ола бошлади. Иккинчидан, илгари бизда «Московское обеспечение», деган гап бўларди. Кейинчалик бу «обеспечение» узилиб қолди. Шу сабаб «Агама», «Зариспарк» каби қўшма корхоналар очиб, (ҳозирда иккаласи ҳам харажатларни тўлиқ қоплаб бўлди) жаҳон андозаларига мос товарларни ўзимизда ишлаб чиқара бошладик. Энг асосийси, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон бўлди...

Ҳа, мустақилликнинг ўтган ҳар бир йили ўчмас из қолдирмоқда. Мамлакатимизнинг том маънодаги фахрига айланган улкан комбинат ва унинг кўп минг сонли жамоаси истиқлол солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилажак тарих яратмоқда. Умрини мамлакат металлургия саноати тараққиётига бахшида этган Николай Кучерский каби ажойиб инсон уларга бош-қош бўлмоқда.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

йилларнинг охириларида бозорда уран ва рангли металлга нисбатан қизиқиш пасайди. Бир қарашда бу гайритабиийдек туюларди. Ахир, Зарафшон олтини Иттифоқ хазинасини тўлдириш ўрнига оғирлик қила бошлаган эди-да. Мурўнтов олтин конларидаги ҳавзаларнинг чуқурлиги 200 метргача етиб, иш тўхтади. Улкан машиналар Қизилқум «тандирида» ишлашга дов беролмай қолди. Конструкторлар эса елка қисиди: бу машиналар қирқ даражагача иссиқликда ишлашга мўлжалланган. Бирдан-бир чора — чет эл илгор техникасини жалб қилиш. «Катарпиллер» каби машиналар, уларни сотиб олиш учун эса 5 млн. долларга яқин маблағ керак эди. Маблағ эса берилмади.

Бу орада иқтисодий алоқалар бузилди, ўзаро ҳисоб-китоблар узилди. Навоий, Зарафшон, Зафаробод, Учқудук, Мурўнтов, Нуробод каби шаҳарлар тақдирини мамлакат рангли металлургияси тақдирини хавф остида қолди. Бошқа мамлакатларда бу вазиятдан чиқишнинг икки йўлидан фойдаланишди. Биринчи — жиловни эркин бозор қўлига бериб қўйиш. Иккинчиси — солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериб, ўз кўнининг ўзини кўриб, дейиш. Ҳар икки усул ҳам

тўла қувват билан ишлай бошлади. Тонналаб олтинни давлат ўз валюта захираси учун сотиб ола бошлади. Уларнинг бир қисми жаҳон банкларига гаровга қўйилиб, паст фоизларда кредитлар кела бошлади.

Навоий тоғ-металлургия комбинати иштирокида 1991 йилда «Агама», 1993 йилда «Зариспарк», 1994 йилда «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхоналари ташқил этилди. 1994 йил 27 июнида эса Учқудукда яна бир тарихий воқеа рўй берди. Бу ерда мустақил мамлакатимизнинг фақат ўз маблағи ҳисобида қурилган биринчи гигант корхона — 3-гидрометаллургия заводи ишга туширилди. Унинг очилиш маросимида иштирок этган юртбошимиз «тандирдан энди узилган» олтин куймасини боши узра кўтарганида йиғилганларнинг олқиши бир неча дақиқа тинмади.

Йиллар инсон ҳаётида ўчмас из қолдиради. Оддий ишчиликдан йирик корхона раҳбарлигигача бўлган йўлни бошб ўтган Н. Кучерский ҳаёти қувонч ва ташвишларга бой бўлди. Лекин бу қувонч ташвишларнинг барисини ўша — гидрометаллургия заводи ишга тушган кездагисига таққослаб бўлмасди.

—Истиқлолнинг дастлабки

ТАКЛИФ

ЖИДДИЙ ЁНДАШИШ ЗАРУР

Мен «Халқ сўзи» газетасининг шу йил 8 январь сонидан эълон қилинган «Эҳтиёт бўлинг, автомобиль қелаяпти» сарлавҳали мақолани ўқиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Чунки мен «Намангантранс» давлат ҳиссдорлик бирлашмасида қарийб 18 йилдан буён «Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш» бўлимида ишлаб келмоқдам.

Бирлашмамизга қарашли 15 та автокорхонада 5000 дан ортиқ ҳар хил русумдаги автомобилларни бошқарадиган ҳайдовчиларга йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун тегишли йўриқномалар берилади, йилнинг баҳорги-ёзги, кузги ва қишки мавсум шароитларида ҳаракат қоидалари эсла-

тилган тарғибот-ташвиқот варақалари тарқатилади. Бирлашмамизнинг «Тоғлар шалоласи» болалар ёзги дам олиш масканида ҳар йили «Светофор» (яшил чироқ) мусобақаси мунтазам ўтказилади ва голиблар автокорхоналар томонидан совринлар билан мукофотланадилар. Лекин шунга қарамай йўлларда содир этилаётган бахтсиз ҳодисаларнинг 70-80 фоизи болалар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шу боис йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун мен ўз таклифларимни баён қилмоқчиман.

Жойлардаги мактабгача тарбия

даргоҳлари ва мактабларни ишлаб чиқариш ҳўжаликларига бириктириб, йўл ҳаракати қоидасини тушунтириш мақсадида махсус бурчаклар ташқил этиш керак. Шунингдек, республика, вилоят ва шаҳар телерадиокомпаниялари ДАН ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мутахассислари иштирокида қизиқарли эшиттириш ҳамда кўрсатувлар ташқил этиш зарур, деб ўйлайман.

Маҳалла қўмиталарида ва ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Бундан ташқари, серкатнов йўллар атрофида яшовчи аҳолига йўл ҳаракати қоидаларини тушунтириш вазифаси автокорхоналар ва ДАН ходимлари зиммасига юклатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

А. НАЗАРОВ,
Наманган шахри.



МАКТУБЛАРДАН САТРЛАР

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ...

Ҳурматли таҳририят!

Биз Зафаробод туманига қарашли 6-бўғдорчилик, узумчилик ширкатлар уюшмасида яшаб, меҳнат қиламиз. Туман марказига қатновчи автобус йўқлигидан бекатда сарғайиб ўткинчи улов кутишдан қийналамиз. Устига-устак, кўчаларимизга асфальт ётқизилмаган. Қишлоқ аҳли қишда лой кечиб, ёзда эса чанг-тўзон ичида юрадilar.

Шунингдек, қишлоғимиз аҳолисига савдо, маданий ва маънавий хизмат кўрсатиш даражаси жуда ёмон аҳволда. Бундан ташқари, ёғ, совун, чой, шакар, гуруч, ун, туз ва ҳатто гуғурт сингари кундалик маҳсулотлар йўқ ҳисоби. Дарвоқе, жорий йил мамлакатимизда «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинди. Шундай бир пайтда туманимиз ҳамда ширкатлар уюшмаси раҳбарларига бир неча бор умид билан мурожаат қилдик. Минг афсуски, ҳеч қандай натижа бўлмади, мутасадди раҳбарлар арзимизни тинглашди-ю, амалда бирор-бир чора кўришмади.

Қ. ХОЛИҚУЛОВ.

ТОШБАҚА ЕЛКАСИДА КЕЛГАН ХАТЛАР

Бу гапимга ишонмайсизми? Марҳамат, эшитинг.

Мен ўзимга керакли ахборотни олиш учун 1996 йилнинг октябрида Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси номига хат ёзгандим. Улар менга 1996 йилнинг 8 ноябрида жавоб хати ёзишган экан. Хат эса шу йилнинг 12 ноябрида биз истиқомат қилаётган Беруний тумани алоқа бўлимига етиб келган. Мен бу саналарни почта муҳрлари асосида ёзмақдам. Қизиги шундаки, мазкур хатни менга 1997 йилнинг 27 январидан келтириб беришди. Почтачидан: «Нима учун бу хатни уч ойгача сақлаб ўтирдилар?», деб сўрасам, билмайман, дейди у. Мен бунга чидашим мумкин эди, аммо Самарқандда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ўғлимнинг мактублари кечикканлигига қандай чидай! Унинг Самарқанддан 1996 йилнинг 12 октябрида ёзган хати бизга шу йилнинг 15 декабрида етиб келди. Халққа хизмат шундай бўлади-ми? Алоқа хизматида кимлар масъул? Тошбақа елкасида хат ташиш қачон тугайди?

Камолбой ЮСУПОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси,
Беруний шахри.

ОЧИҚ ТУРДАГИ "ЮЛДУЗ"

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
акционерларининг йиллик
йиғилиши 1997 йил 27 мартда
соат 15 да ўтказилишини
маълум қилади.


Кун тартибига қуйидаги
масалалар киритилади:

- Акционерлик жамияти
фаолиятининг 1996 йилги
якунлари ва 1997 йилги
тараққиёт вазифалари.
- 1996 йилги балансни
тасдиқлаш.
- Тафтиш комиссияси
ҳисоботини тасдиқлаш.
- Янги таҳрирдаги Устав ва
низомларни тасдиқлаш.
- Турли.

Йиғилиш иштирокчилари соат 13
дан рўйхатга олинадилар.

Акционерлар йиғилиши
қуйидаги манзилда бўлади:
**Тошкент шаҳри, Амир Темур
кўчаси, 60.**

Телефонлар: 35-19-22, 35-00-15.



РЕКЛАМА ВА СЎЗЛАШ



"Централ Эйша Инвестмент Компани"

/Буюк Британия/

қуйидаги соҳаларда маслаҳат хизмати
кўрсатади:

- сўм ва валюта кредитлари олиш учун
халқаро андозалар бўйича бизнес-режа
тузиш;
- бўлажак фойдалар асосида мол-мулк
қийматини баҳолаш;
- инвестициявий ва тараққиёт
режаларини ишлаб чиқиш.

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент, Буюк ушак йўли кўчаси, 115.
/Мўлжал - "Саёҳат" меҳмонхонаси/.

Алоқа учун телефонлар:
/3712/ 68-68-21, 67-46-21, 33-13-78, 33-18-44.

Халқ
сўзи



1
март


АПИФЕН

мушак оғриқларини
қолдирадиган ишончли,
самарали восита.

Кунига уч маҳал
1-2 таблеткадан.

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

ср. / сурхон аджанта фарма лимитед



UZDUNROBITA

cellular

"ЎЗДУНРОБИТА" ҚҚ СИЙЛОВЛАР ТИЗИМИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1997 йил январдан бошлаб

Уяли телефон аппаратларини сотиб
олишда ва хизматидан фойдаланишда
хақи кредит карточкалари
билан тўланса



25 ФОИЗ СИЙЛОВ

VISA,
American Express,
MasterCard,
EuroCard,
Diners Club,
JCB Cards

ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР!

Ўзбекистоннинг 9 та вилоятида яшайтган
фақат "Ўздунробита", ҚҚ
абонентларигина

ТОШКЕНТ РАҚАМЛАРИНИ

исмалдан олишлари мумкин!

Шу рақам эгаси Тошкентга келгач, ўзининг
уяли телефонида мураккаб бўлмаган
комбинацияни териш йўли орқали шаҳар
телефонига уланиши мумкин.

БУ ЖУДА ҚУЛАЙ ВА ОСОН!

Уланганлик учун тариф **БЕКОР ҚИЛИНГАН!**

300\$

Ойлик тўлов ИККИ баравар қисқартирилган

50\$

Энди у бор-йўғи

25\$

1997 йил февралдан бошлаб

**КЎЧМАС УЯЛИ
ТЕЛЕФОН**

харид қилишда
бўлажак сўзлашувлар
учун олдиндан тўлаш
арзонлашган

500\$

100\$

Маълумот учун телефон: 30-09-09

"ЎЗДУНРОБИТА" ҚҚ филиаллари манзили ва телефонлари:

Андижон филиали

710021, Андижон ш.,
О.Умархон кўчаси, 20.
Тел.: (8-374-22) 94003.
Факс: (8-374-22) 94455.

Бухоро филиали

705000, Бухоро ш.,
Ҳамза кўчаси, 6.
Тел.: (8-365-2) 71515.
Факс: (8-365-2) 36662.

Қашқадарё филиали

705000, Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 254.
Тел.: (8-375-22) 20001.
Факс: (8-325-22) 21616.

Навоий филиали

706800, Навоий ш.,
Халқлар дўстлиги кўчаси, 3а.
Тел.: (8-436-22) 25252, 25004.

Наманган филиали

716000, Наманган ш.,
Юнус Ражабий кўчаси, 12.
Тел.: (8-369-22) 38655.
Факс: (8-369-22) 12224.

Самарқанд филиали

703002, Самарқанд ш., Даҳбед кўчаси, 12.
Тел.: (8-366-2) 384402.
Факс: (8-366-2) 384040.

Сурхондарё филиали

732000, Термиз ш.,
Ат-Термизий кўчаси, 45а.
Тел.: (8-376-22) 44275.

Фарғона филиали

712003, Фарғона ш.,
Железнодорожный кўчаси, 47.
Тел.: (8-372-2) 212121.
Факс: (8-372-2) 247766.

Хоразм филиали


740000, Урганч ш.,
Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 23.
Тел.: (8-362-22) 46202.

**Халқ
сўзи**

1
март

8

РЕКЛАМА ВА ЎҚИШ



Умумжаҳон банки иқтисодий тараққиёт институтини

**Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш
даври учун долзарб бўлган иқтисодий мавзудаги энг яхши
мақола юзасидан танлов эълон қилади.**

5000 сўздан иборат, варақнинг бир томонига икки интервалда машинкада
ёзилган 12 стандарт бет ҳажмидаги мақолалар 1997 йил 30 июндан
кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Мақолага унинг асосий мазмуни баён
этилган кўпи билан 300 сўздан иборат қисқача яқун ва танловда иштирок
этиш ҳақидаги буюртма илова қилиниши шарт. Мақола ва яқун инглиз ва
рус тилларида икки нусхада тақдим этилиши лозим.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг моҳияти акс
эттирилган, халқаро аудиторияга ана шу ўзгаришлар жараёни ва
натижаларини яхшироқ тушуниш имконини берадиган энг чуқур ва ёрқин
мақолалар муаллифларига мукофотлар берилади.

Танловнинг барча иштирокчилари натижаларнинг ёзма тасдиғини
оладилар. Танловнинг пировард натижалари 1997 йил октябрнинг
охиригача эълон қилинади. Ғолиблар Вашингтонга мукофотларни
топширишга бағишланган расмий тантанага таклиф этиладилар. Бу билан
боғлиқ ҳамма харажатларни Умумжаҳон банки иқтисодий тараққиёт
институтини томонидан қопланади.

Ғолибларга қуйидаги мукофотлар топширилади:

биринчи-3000 АҚШ доллари;

иккинчи-2000 АҚШ доллари;

учинчи-1000 АҚШ доллари.

Ҳамма ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилиши керак:

Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49.

Тошкент давлат иқтисодий университетини, мамурий бино,
4-қават, 411-хона.

Танлов шартлари ва бошқа маълумотларни олиш учун телефонлар:
45-24-42, 45-36-66.

ТАШКИЛОТ

руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган

ПРОФНАСТИЛ (ТУШАМА-ТУНУКА)
СОҒАДИ

ҚАЛИНЛИГИ - 0,7-0,8 мм.

НОВА(ГОФРА) БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм.

УЗУНЛИГИ - ХАРИДОР ХОҲИШИ БЎЙИЧА.

Нархи бозор баҳосидан анча арзон.

Телефон:
(3712) 41-41-77.

Факс:
(3712) 41-54-90.

"ГҮШТСУТСАВДО" ДАВЛАТ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
чекланмаган миқдорда Грузиянинг бутун дунёга машҳур
шифобахш маъданли "Боржомини" сувини таклиф этади.

საშაქმეო წყარო
GEORGIAN MINERAL WATER

BORJOMI



ბორჯომის
ESTABLISHED 1890

Ошқозон-ичак, жигар
хасталикларини
даволашда самарали
малҳам ҳисобланган
"Боржомини" суви
булоқлари минг йилдан
ошиқ даврдан буён
хасталар дардига шифо
бўлиб келмоқда.

Мурожаат учун манзил:

Тошкент ш., Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй (мўлжал:
"Рисовой" бозори). Тел.: 91-40-11, 91-15-54, 91-57-43.

TURKISTON



**ХИФ
ТУРКИСТОН
ИНВЕСТ**



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Агар Сиз ўзингизнинг ва фарзандларингизнинг
келажагини моддий таъминлашни истасангиз,
мамлакатимиздаги энг йирик ва ишончли ХИФлардан
бири - "Туркистон-Инвест" акцияларини сотиб олинг!

"Туркистон-Инвест"нинг низом жамғармаси 5 000 000
сўмдан иборат бўлиб, қимматбаҳо қозғалар бозорига
умумий қиймати 500 млн. сўмдан иборат 5 млн. дона
акция чиқаради.

Сиз "Туркистон-Инвест" акцияларини "Азиятраст"
бошқарув компанияси фонд дўконларидан ва республика
Халқ банкининг барча бўлимларидан сотиб олишингиз
мумкин.

Бир дона акция баҳоси - 100 сўм.

Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Қашқар даҳаси, 17"А"-уй, 3-қават.**

(Мўлжал: ўт ўчирувчилар мактаби,
олдинги ИИБ поликлиникаси биноси).

● Телефонлар: 35-24-56, 31-81-73.

● Пейжерлар 896, 894 (067 орқали).

Очиқ турдаги «Орзу»


**акционерлик
жамиятининг
акционерлари
диққатига!**

Сизларни 31 март 1997 йилда
соат 15.00 да бўладиган
«Орзу» очиқ турдаги
акционерлик жамиятининг
1996 йил учун ҳисоботи
умумий мажлисига таклиф
этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳри,
генерал Узоқов кўчаси, 2-уй.
Очиқ турдаги «Орзу» акционерлик
жамияти.

АПКОСУЛ

гепатитдан ва сурункали
ичкиликбозликдан
жигар хасталанишидан
сақлайдиган восита



Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

«Аджанта фарма лимитед»

БИЗДА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ БОРМИ?

Халқ
сўзи

9

1
март

Очиғи, бундан уч-тўрт йил аввал ҳатто оддийгина шамоллашга қарши ишлатилган дориларни ҳам топиш мушкул эди. Дори-хоналар пештахталари деярли ҳувиллаб ётар, одамлар эса излаган дориларни тополмай, ҳуноб бўлишарди. Табиийки, бундай аҳволнинг сабаблари собиқ Иттифокнинг парчаланиб кетиши билан боғлиқ эди. Чунки дори-шунослик саноати республикада мутлақо тараққий этмаган, барча тиббий воситалар хорижий мамлакатлар ва асосан бошқа республикалардан келтирилди. Иттифокдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритгач, фармацевтика саноати ривожланган Болтиқбўй республикалари, Россия ва Украинада ушбу соҳа ҳам муаммолар гирдобида қолиб кетди. Оқибатда улар билан бўлган алоқаларда узилишлар юзага келди.

Аҳоли саломатлигини эса дори-дармонсиз таъминлаб бўлмайди. Шундай экан, мавжуд аҳволдан чиқиш учун мамлакатимизнинг ўз доришунослик саноатини вужудга келтириш лозим эди. Лекин бу -- бир-икки йилда битадиган иш эмасди. Шу боис аввало, кун талабидан келиб чиқиб, четдан зарур дори-дармонларни сотиб олишга қатта эътибор қаратилди. Натижада кейинги йилларда мамлакатимизда дори-дармонлар таъминоти нисбатан анча яхшиланди. Мисол учун, 1995 йил республика «Дори-дармон» акционерлик уюшмаси томонидан 2040,9 млн. сўмлик турли хилдаги тиббий даво воситалари Ўзбекистонга олиб келинди. Хусусий дорихоналар

ва қўшма корхоналарнинг бу борадаги улуши эса жами 257,5 млн. сўмни ташкил этди. Ўтган йили бундан ҳам кўпроқ миқдорда ана шундай маҳсулотлар харид қилинди. Ҳамдўстлик давлатлари фармацевтика корхоналари билан алоқалар ҳам мустаҳкамланиб, улардан салкам 560 млн. сўмлик дори-дармонлар сотиб олин-

препаратлари харид қилинди. -- Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1997 йилги давлат буюртмасига асосан Ҳамдўстлик мамлакатлари доришунослик корхоналари билан умумий қиймати 357,5 млн. сўмлик 20 дан зиёд шартномалар имзоладик, -- дейди «Дори-дармон» давлат акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси Х.

Раҳматуллаев. -- Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқинда яна бир қанча ана шундай битимлар тузишни мўлжаллаяпмиз. Омборхоналаримизга келиб тушаётган дори-дармонларни эса



ди. Шу ўринда қиёслаш учун бир мисол келтирамиз. 1993 йили мазкур уюшма тизими орқали давлат буюртмасига асосан даволаш-профилактика муассасаларини зарур дори-дармонлар билан таъминлаш 34,5 фоизни ташкил этган бўлса, бултур ушбу кўрсаткич қарийб 67 фоизга етказилди. Яқин вақтларда бу борадаги эҳтиёж тўлалигича қопланиши кўзда тутилган.

Уюшма айти пайтда республикада фаолият кўрсатаётган турли фирма ва қўшма корхоналардан ҳам шартномалар асосида дори-дармонлар, тиббий воситалар ҳамда иммунобиологик препаратлар сотиб олаётир. Хусусан, «Ўзбек -- Хёхст» қўшма корхонасидан 4 хилдаги 15 млн. сўмлик, «Сурхон-Аджанта» қўшма корхонасидан 17 хилдаги 60,7 млн. сўмлик тиббий воситалар, «Сибфарм» компаниясидан 50 хилдаги 284 млн. сўмлик дори-дармонлар, «Бюр» фирмасидан 8 млн. сўмлик ҳар хил витамин

дарҳол тиббий муассасаларга етказиб бера-япмиз.

Уюшма бошқаруви қатор хорижий фирмалар билан ҳам шу тўғрида келишиб олди. Мисол учун, Даниянинг «Ново-Нордикс» фирмаси Ўзбекистонга 8,72 млн. сўмлик беш хилдаги инсулин препаратлари етказиб берса, Германиянинг «Сановита» фирмаси 150 минг ампула преднизолон, Ҳиндистоннинг «Кор» фирмаси 5 млн. долларлик инфузион суюқлиги билан таъминлайди. Айти пайтда эса фармацевтика соҳасида дунёда донг таратган «Гедон Рихтер», «КРКА», «ЛЕК», «ЦИЕХ», «Шеринг Плау», «Фармахим», «Рон Пулек»,

«Хофман Ля Рош», «Мерк», «Берлин хеми», «Гермед» каби хорижий доришунослик корхоналари билан ҳам музокаралар олиб борилапти. Умуман, бу йил мамлакатимиз аҳолисини ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар, тиббий воситалар билан таъминлаш истиқболлари 75 фоизни ташкил этмоқда.

Хўш, республикаимизнинг ўзида фармацевтика саноатини тараққий эттиришга қанчалик эътибор берилапти? Ҳозир республика «Ўзфармсанот» акционерлик концерни тизимидаги мавжуд дорипазлик корхоналарида 218 номдаги дори-дармонлар ҳамда тиббий воситалар ишлаб чиқарилапти. Яқин вақтларда яна 23 хилдаги янги дориларни тайёрлаш режалаштирилган. 1996 йил учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 2 минг номдаги



Сўнги йилларда мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш борасида бир қанча сўзлашлар кўзга ташлан-япти. Қарин шаҳридаги ўрта тиббиёт ходимлари ва доришуносликнинг малакасини ошириш билим юрти ана шундай мас-канлардан биридир.

Билим юртида ҳар йили Қашқадарё ва, Сурхондарё вилоятларининг 1400 тиббиёт ходими келиб малака оширади. Уларга олий тоифали, тажрибали врачлар ўқиб мутахассисликлар бўйича дарс ўтадилар. Тиббиёт ходимлари барча шaroитлар яратилган ўқу хоналарида 1,5-2 ойлик ўқиш давомида ўзларига керакли билимни оладилар.

СУРАТЛАРДА: билим юрти директори (ўнгдан иккинчи) тиббиёт фанлари номзоди Наҳибанд Рўзиев билим юрти ўқитувчилари билан суҳбатда; билим юрти биноси; билим юрти кутубхонаси мудараси Зебо Собирова (ўртада) талабалар Нарғиза Абласова ва Лариса Мақсумоваларга китоб танлашда кўмаклашяпти.

Ш. ШАРОНОВ олдиз сураатлар.

ана шундай ашёларга берилган давлат буюртмасининг 74 тури, 341 номдаги энг зарур дори-дармонларнинг эса атиги 28 таси ўзлаштирилди. Албатта, бундай рақамлар билан мақтаниб бўлмайди. Бироқ, эндигина оёққа туриб келаётган ўзбек миллий

уларнинг асосий қисми четдан келтириляпти. Биз эса, келажакда бундай сероблик ўзбек миллий фармацевтика саноатининг ноёб ва беҳисоб турдаги маҳсулотлари эвазига бўлишини орзу қиламиз.

Гафур ШЕРМУХАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ТЕЗ ЁРДАМ» ЖОНИНГИЗГА ОРО КИРАДИ

Республикада кейинги пайтларда «Тез ёрдам» хизматининг самарадорлигини оширишга ҳам етарли эътибор бериляпти. Шу мақсадда 1997 йилда мазкур тизимга 1200 та «AMBULANCE» машиналари ажратилиш мўлжалланган. Асақда ишлаб чиқарилаётган «Тико» автомобиллари шунга мослаштирилиб, замонавий тиббий мосламалар билан жиҳозланади. Хориждан эса биринчи тиббий ёрдам учун зарур бўлган 200 га яқин хилдаги дори-дармонлар мавжуд бўлган махсус врачлар сумкалари ҳам харид қилиш мўлжалланаяпти. Ҳатто, «Тез ёрдам» машинаси «экипажи» -- врач, ҳамшира ва ҳайдовчилар учун ҳам алоҳида бичимдаги хизмат кийимлари берилади. Умуман олганда, «Тез ёрдам» хизматини жаҳон андозалари даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият бериляпти.

Ғ. ЭШМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР


ЗИҒИР

Зигир уруғи таркибида каротин, линамарин гликозиди, шиллик, оксил ва бошқа моддалар бор. Абу Али ибн Сино қовурилган зигир уруғини йўтал ва меъда касалликларини даволашда ишлатган. Бундан ташқари, бачадон ва ичкада шийш пайдо бўлганда ҳамда буйрак, қовуқ касалликларида зигир уруғи қайнатмасига тушиб ўтиришни буюрган. Майдалаб эзилган зигир уруғини шийшга ва чилқонга қўйган.

Халқ таъбаотида зигир уруғидан тайёрланган қайнатма меъда (гастрит, меъда яраси), ангина, йўтал, ўпка сийи (қайнатмани сутга қўшиб истеъмол қилинади) ва буйрак касалликларига ишлатилади.

Зигир мойи енгил сурги дори сифатида ва тананинг куйган ерини даволашда қўлланилади.

ҚЎРҚАН ОЛДИН



Божхона
бекати

Текширувлар пайтида нималар бўлмайди, дейсиз. Навбатдаги рейдларнинг бирида солиқчилар Юнусобод туманидаги М. Турғунбоева кўчаси 38-уйда истиқомат қилувчи А. Тулагановни қўлга туширдилар. У бензиннинг ҳар литрини кўчада 28 сўмдан сотаётган пайтда ушланди.

Солиқчилар туман ёнгиндан муҳофаза этиш идораси ходимлари билан бирга А. Тулагановнинг ҳовлисини кўздан кечиришганда сотишга шай қилиб қўйилган 380 литр бензинни топдилар. Ёқилги хонадондан олиб чиқилаётганда А. Тулаганов «мол аччиғи-жон аччиғи» қабилда иш тутиб, солиқчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. У 10-литрлик конистрнинг қопқоғини шартта очиб, бензинни текширувчилар ва уларнинг машинаси устига села кетди.

— Ҳозир ҳаммангги ёқиб юбораман! — дерди у пишқириб.

Яхшиям ёнгиндан муҳофаза этиш идораси ходимлари бензинфурушнинг попуғини пасайтириб қўйишди. Бўлмаса хизмат вазифасини адо этаётган солиқчилар ҳам, уларнинг машинаси ҳам бир зумда аланга ичида қолиши ҳеч гап эмас эди. Қилмиш—қидирмиш дейдилар.

Тадбиркорликнинг таққиланган тури билан шуғулланиш бир жиноят бўлса, солиқчилар ҳаётига тажовуз қилиш иккинчи жиноят эди. Шу боисдан уша кунгидея А. Тулагановга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Ўтган йили республика солиқ идоралари томонидан 250 мингдан ортиқ текширув, олти мингта яқин рейд утказилди. Шу жараёнда 145 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Минг афсуски, А. Тулагановга ўхшаш айрим қонунбузарлар айбига иқдор бўлиш урнига қўрққан олдин мушт кўтарар, қабилда иш тутмоқдалар. Тахиятош шаҳрида шундай бўлди. Шаҳар давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими инспектори К. Каримсоқов, савдо ҳамда хизмат муассасалари фаолиятини назорат қилиш бўлими инспектори Т. Сотканбоев бош автобекат ёнида олди-сотди билан шуғулланаётган тадбиркорлар фаолиятини текшириб, баъзога қолдилар. Иш жойининг тайини йўқ, ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатсиз эрта-ю кеч олиб сотар—

ликдан қўли бўшамайдиган. Т. Бегимов билан Г. Тореев уларга ҳужум қилиб, К. Каримсоқовнинг бошини ёрдилар, Т. Сотканбоевга тан жароҳати етказдилар.

Хизмат вазифасини бажараётган пайтда солиқчиларга нисбатан бундай «муносабат»да бўлган муштумзўрларга нисбатан

қонуний жазо қўрилди. Уларнинг бири уч ярим йилга, иккинчиси икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Афсуски, бундай мисоллар оз эмас. Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспектори Улутбек Юсупов хизмат бурчини бажараётган пайтда ҳеч қарда ишламайдиган чайқовчи Гулнора Қодированинг зарбасига учради. Гулнора ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, инспекторнинг бошига тош билан тушириб қолса бўладими? Дарҳол тез ёрдам машинасини чақиришга тўғри келди.

Шаҳриёбз шаҳар автобус бекатида дори-дармонлар билан ҳужжатсиз ва рухсатсиз савдо қилаётган она-бола Бердиевалар-фаолиятини текшира туриб, шаҳар давлат солиқ инспекцияси инспектори Ш. Авазов ҳам бир кўздан айрилишга оз қолди. Чамаси, шу пайтгача она-бола чайқовчиларнинг муштунини биров пишт, демаган бўлса керак. Инспекторнинг текшируви уларга қаттиқ ботганга ўхшайди. Солиқчи барча камчиликларни кўрсатиб, энди далолатнома ёзмоқчи бўлиб турганда Г. Бердиева унинг юзига аллақандай дорини сочиб юборади. Ш. Авазов кўзини чангаллаганча ўтириб қолади. Дарҳол тез ёрдам машинаси келиб, уни касалхонага олиб кетмаганида бир кўздан ажралиши турган гап эди. Инспекторнинг жонига қасд қилган она-бола устидан жиноий иш қўзғатилди.

Қамаши туманидаги деҳқон бозорида ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Туман давлат солиқ инспекцияси инспектори Ш. Мусаев яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчиларнинг ҳужжатларини текшириб юрган эди. Олибсотар Нуралӣ Тўраева келганда қўлга олинган ҳол юз берди. Ҳужжатсиз молларни сотиб мўмай даромад орттираётган бу барзанги ҳамманнинг кўзи олдида солиқчиларнинг бошига мушт тушириб, қорнига тепади. Атрофда одамлар бўлмаганида, билмадик, инспекторнинг ҳоли не кечарди. Муштумзўр чайқовчи энди қонун олдида жавоб бериши аниқ.

Уйлаб қолсан киши: давлат хазинаси маблағга

керак. Қадимда тижоратчи ота-боболаримиз ҳам шу қоидага сўзсиз амал қилишган. Топганларининг бир қисmini давлат газнасига топширишган. Шу маблағлар эвазига Самарқанддек, Бухородек, Хивадек довруғи доvon ошган шаҳарлар, мадрасалар, каналлар, кўприклар қурилган. Бу бизга сабоқ бўлиши керак. Солиқ интизомига, бозор қонуниятларига риоя қилиш барча учун мажбурийдир. Бунга тўсқинлик қилувчиларга шафқат бўлмайди.

МУШТ КЎТАРАР

тўлсин, одамлар вақтида маошини, нафақасини олсин, деган ният билан ишлаётган солиқчиларга қўл кўтариш инсофданми, ахир? Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлар қанча даромад қилишса, ҳеч қандай гап-сўзсиз шунга яраш солиқ тўлайдилар. Уларнинг орқасидан биров калтак кўтариб юрмайди. Бизда эса даромадни яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш оддий ҳолатга айланиб бораётгани гоят ачинарлидир.

Солиқлар—иқтисодийтимиз таянчи. Мустақил мамлакатимиз дезроқ оёққа турсин десак, даромадга яраша солиқларни ўз вақтида тўлаб боришимиз

«ОДДИЙ
МАРИЯ»
ЭМАС...

Андижонлик божхоначилар Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти томон ўтиб кетаётган ВАЗ-2103 русумли машинани кўриқдан ўтказиш учун тўхтатилганларида ҳайдовчининг ёнида келаётган Мария Сардалбекованинг ранги оқариб кетди. Бунга божхоначилар ҳам дарров сезишди ва ҳушёрликни оширишди.

Синчковлик билан ўтказилган текширув пайтида 1969 йилда туғилган, Ўш вилоятининг Тулейкан қишлоғида истиқомат қилувчи Мариянинг қўл сумкасида целлафан халтага ўралган 4 килограмм 400 грамм миқдордаги қорадори борлиги аниқланди. Бу захри қотилни у Ўш шаҳрида бир нотаниш шахсдан сотиб олган эмиш. Лекин солиқчилар алдовга учинишмади. Ўйламай босган қадами учун бу оймча энди жабрини тортадиган бўлди. Чунки, у «Оддий Мария» эмас экан...

СУВНИКИ СУВГА, ЎТНИКИ ЎТГА

Ражаб Жўраев Олмалиқ шаҳар «Ермак» кичик корхонасида бинойидек ишлаб юрган эди. Топиш-тутиши ёмон эмас, уч-тўрт сўм жамғармаси ҳам бор эди.

Нима жин урдию, Ражаббой тезроқ бойиш пайига тушди. Жамғармасига «Отчопар» бозоридан 120 литр спирт, турли



хил ароқ этикеткалари, қопқоқлар ва зарур ускуна сотиб олди-да, ҳовлисининг этагидаги «временка»да хуфёна ароқ цехини ташкил этди.

Дастлабки ишшлар шигиллаб кетди. Ароғи тушмагур дўкондагидан биров арзонроқ бўлгани учунми, хонадонидан мижозларнинг қадами узилмай қолди. Яширин ароқ цехининг «довруғи» солиқчилар қўлига етмагунча Ражабнинг пичоғи мой устида эди.

Лекин сувники сувга, ўтники ўтга экан. Солиқчилар қўлбола ароқлар уясини фош этганларидан сўнг Ражаб Жўраев устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун шаҳар судининг қарори билан унга энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориди жарима солинди. Яширин цех анжомлари мусодара қилинди. У энди қанчалик тушаймон бўлмасин бефойда. Чунки ҳамшаҳарлари олдида юзи шувут...

Зангиоталик Тўлаган Обидовнинг бошига ҳам шундай «савдо» лар тушди. У уйида қўлбола ароқ тайёрлаб, «Отчопар» бозорида пуллаб юрган эди. Сири фош бўлгач, топган-тутганини жарима сифатида тўлашга мажбур бўлди. Ҳаром ёмон-да. Кўзи каттароқ очилмаса, ҳалол даромадни ҳам ўз домига тортиб кетади. Охири-оқибатда Тўлаган каби чув тушиб қолиш ҳеч гапмас.

Шу сатрларни битаётган пайтимизда яна бир яширин ароқ цехи фош этилганидан хабар топдик. Ангренлик М. Пардаева, И. Холтўраев, З. Қурбонова ва Н. Қўзиев шаҳар деҳқон бозоридаги кўримсизгина павильон ертўласига ин қўйиб, қўлбола ароқ чиқариш билан шуғулланиб келишган.

Истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар билан одамларни заҳарлаб келган устаси фаранг «бизнесчилар»нинг чув чикди. Энди улар қонун олдида жавоб беришлари аниқ. Ускулалар, қопқоғу этикеткалар, сотишга тахт қилиб қўйилган салкам 900 ишша ароқ мусодара қилинди. Бундай текинхўрларнинг аччиқ тақдири бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

(Саҳифа материалларини Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Ж. Носиров ва «Халқ сўзи» муҳбири Н. Тошев тайёрлади).

УННИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ ҚАНИ?

Ҳайдовчи А. Абдуллаев машинасининг орқа бортини Бухородаги «Мухлис» хусусий нонвойхонасига эндигина тўғирлаган эди, қўлга олинганда шаҳар солиқчилари келиб қолишди.

— Уннинг ҳужжатлари борми? — сўрашди улар қопларга ишора қилиб.

Ҳайдовчи довдираб қолди. Демак, бу ерда бир гап бор. Солиқчиларнинг бири дарров машина устига чиқиб, қопларни санай бошлади — 110 та. 5,5 тоннадан кам эмас. Суриштириб билишса, шунча унни «Бухородонмахсулот» акционерлик жамиятининг тайёр маҳсулотлар омбори мудири Д. Усмонов чиқариб юборган экан. Лекин суҳбат пайтида у ҳам солиқчиларга бирор тайинли ҳужжат кўрсата олмади.

Ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ
ҚИЙИҒИ



Мамлакатимиз футболнинг ҳозирги кундаги аҳоли муҳлис-ларимизни тўла қониқтирмаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Негаки, муҳлисларимиз миллий терма жамоамизнинг Осиё чемпио-натидида қутилмаган мағлубияти, МДХ чемпионла-ри кубоги турнирида «Навбахор»нинг муваффақиятсиз қатнашганлигини ҳақи-қати «ҳазм» қилганла-рича йўқ. Тўғри, агар Хиросимадаги миллий терма жамоамизнинг ҳайратомуз муваффақиятларини, шунинг-дек, бундан икки йил муқаддам терма жамоамизнинг Афро-Осиё миллатлараро кубогида «Жилванмас арслонлар» номи билан машҳур бўлган Нигерия терма жамоасига қарши қарийб тенг ўйин кўрсатганликлари инобатга олсак, унда бу мағлубиятлар футболимиз шаънига мос тушмаслигига амин бўламиз.

Шу ўринда биз ушбу мағлубиятлардан юртимиз футбол муҳлислари фожиа яратмасликлари, аjoyиб футбол ўйинларини кўришга бўлган иштиёқларини сўндирмасликлари истардик. Зеро, сўнгги бир йил ичида мамлакатимизда футболнинг истиқболдаги ривож учун кўп ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда узоқ тўхталиб ўтириш-нинг ҳожати бўлмаса керак. Қолаверса, бу йилги

мусобақаларни ўтказиш тартиби-га киритилган ўзгаришлар-нинг ўзбек зикр этилган фикри-мизни тўлиқ

таъминлашга хизмат қилади.

Кейинги янгилик жамоаларнинг чемпионат якунида тўплаган очколари-нинг тенг бўлиб қолиш ҳоллари билан боғлиқки, у аввалги чемпионатларда ҳам қўлланили-шига жазм этилган эди. Хаба-рингиз бор, биринчи чемпионат якунида «Нефтчи» ва «Пахта-кор» жамоалари бир хил очко тўплаган вазиятда қўшимча ўйин ўтказилмасдан регламентга зид равишда ҳар икки

Ўзбекистон VI миллий чемпионатининг бош-ланишига ҳам санокли кунлар қолди. Чемпио-нат ҳар йилгидан-да эртарақ -- 18 март, яъни мамлакатимизда футболни ривожлантириш ҳақида биринчи қарор қабул қилинган кундан бошланади.

тасдиқлайди. Маълумки, сўнгги вақтларда айрим ўйинчиларнинг жамоадан жамоага кўчиб юриш-лари одат тусига айланиб қолган эди. Янги мавсумдан эса бунга барҳам берилди. Яъни, ўйинчи-нинг жамоа билан шартнома тузишнинг муддати икки йилдан кам бўлмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Яна бир янгилик шундан иборатки, шу йилдан бошлаб олий лигани тўртта жамоа тарқ-этади. Уларнинг ўрнини бирин-чи лиганинг икки пешқадам вакили тўлдирди. Бу жараён 1999 йилгача давом этиб, ўша йили олий лигада 12 та жамоа қолади. Учинчи янгилик шу йилдан эътиборан олий лига жамоаларининг ўринбосарлари ҳам мусобақага киришишади. Бунга айниқса, мураббийлар қўлаб-қувватламоқда. Негаки, ўринбосарларнинг майдонга чиқиши профессионал клубларни тажрибали футболчилар билан

жамоа чемпион деб эълон қилиб юборилди. Шу йилдан бошлаб эса ана шу тартиб қоида регла-ментда қайта тикланди. Энди жамоаларнинг очколари тенг бўлиб қолган тақдирда қўшимча ўйин белгиланади. Шунингдек, ушбу чемпионатдан бошлаб жамоалар сафида уч нафардан ортиқ хорижий футболчининг майдонда ҳаракат қилиши таъқиқланади. Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилган ва юртимизда беш йилдан ортиқ вақт тўп сураётган футболчилар бундан мустасно.

Уйлаймизки, футболчиларимиз янги мавсумда ҳам чиройли ўйинлар кўрсатиб, юксак спорт натижалари билан халқимизни қувонтиради. Зеро, мустақил мамлакатимиз билан фахрланиш тўғрисида мустақамлаш футбол-чиларимизнинг асосий бурчидир.

Фурқат ЧОРИ ўғли,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган йили бокс бўйича Ўзбекистон биллур соврини учун ўтказилган мусобақа-ларда андижонликлар жамоа ҳисобида катта муваффа-қият қозонишди. Мазкур жамоага республика биллур соврини билан бирга 1996 йилнинг энг яхши бокс жа-моасига деб аталган кубок ҳам тантанали равишда топширилди. Куйида ушбу жамоанинг жонкуяр раҳбари, халқаро рефери унво-ни соҳиби М. Кўчқоров билан мухбиримизнинг суҳбатини ўқийсиз.



ҚАТЪИЙ ИРОДА ВА МАРДЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

-- Марс Галесевич, саволимни сизнинг ҳакамлик фаолиятингиздан бошламоқчиман. Сизни рефери сифатида рингда кўп бор кўрганмиз. Ҳакам-лигингиз боксчилардан фарқ қилади: боксчилардан анча нарикда турасиз, тўғри рингда рефери қатнашмаётгандай... Бу қандай ҳолат? Эҳтиёткорликми ёки...

-- Мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер Валентин Золотаревдан кўп нарсаларни ўрганганман. Ҳакам бокс қоидаларини мукаммал билиши зарур. Ана шундангина у рингдаги ҳар бир ҳаракатнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини осонгина исботлай олади. Шунинг унитмаслик керакки, ринг хатони кечирмайди.

-- Яқинда сиз Туркия ва Руминияда ўтказилган йirik Халқаро турнир-ларда ҳакамлик қилдингиз. Ўтиролар бўлдингиз?

-- Аҳмед Комерт хотирасига бағишланган ва «Олтин камар» деб ном-ланган мазкур турнирларнинг жуда кўп беллашулариди ҳакамлик қил-дим. Бу синовлардан муваффақиятли ўтдим чоғи эътирозлар бўлмади. Ҳа, дарвоқе, ушбу турнирларда Ўзбекистон олимпиадачилари ҳам иштирок-этишди. Руслан Чагаев Туркияда учинчи, Маҳаммадқодир Абдуллаев эса Руминияда иккинчи ўринни эгаллади. Айниқса, Маҳаммадқодир финалда жаҳон чемпиони Ленард Дорфтейга қарши тенгма-тенг курашиб кўпчилиكنинг назарига тушди.

-- Сиз, Валентин Золотарев ва Александр Размаховлар раҳбарлик қилаётган андижонлик боксчилар Ўзбекистон терма жамоасининг асосий ташкил этиди. Бунга қандай эридингизлар?

-- Дарҳақиқат, Ўзбекистон терма жамоасига 14 нафар андижонлик боксчи киритилган. Албатта, бу тасодифий эмас. Машқ ва машқ орқасидан келган ишончдир бу. Йигитларимизнинг аксарияти ўз тақдирини проф-ессионал бокс билан боғлашга аҳд қилишган. Мен уларга ишонаман.

-- Спорт ташкилотларининг, ҳомийларнинг ёрдами қандай бўляпти?

-- Андижон шаҳридаги бокс зали машқ ўтказиш учун тўла жавоб бермайди. Тренажер, бокс анжомлари етишмайди. Хуллас, санайверсам камчиликлар кўп. Аммо виллоят спорт федерациясининг янги раҳбари М. Икромов, виллоят солиқ инспекцияси бошқармасининг бошлиғи М. Мух-торов, «Олимпия резервлари» билим юрти директори Д. Ҳамзаев, «Дина-мо» спорт жамияти раиси З. Абдуллаевларнинг яқиндан ёрдами билан муаммоларимиз аста-секин ҳал бўляпти. «Лотин», «Маск» қўшма корпо-раси баҳоли қудрат ёрдам бериб турибди.

-- Андижон ўзининг кучли ёш боксчилари билан фахрланиб келган. Лекин кўпгина спортчиларимизнинг айни кучга тўлган пайтида «синини»га олиб келаётган сабаблар нимада, деб уйлайсиз.

-- Андижондаги «Олимпия резервлари» билим юртини муваффақиятли тамомлаган унлаб боксчиларимиз бутунги кунда ўзларини қаерга қўйиши-ни билмай юришибди.

Яқинда Руслан Чагаев, Келдибек Кукачиев, Алишер Абдуллаев каби яна бир қатор иқтидорли боксчиларимиз билим юртини тамомлашади. Улар Андижон давлат университетининг спорт факультетига кириб ўқув машғулотларини давом эттиришга яхши буларди. Бироқ ўтган йиллари бир қанча боксчиларимиз университетга кириша олмади. Уларнинг кўп вақти мусобақаларда, машғулотларда ўтади. Университет раҳбарияти бунга ҳисобга олса, машҳур спортчилар учун имтиёзлар берилса, мақсадага му-вофиқ бўларди. Менимча боксчиларимизнинг билим юртини тамомлаган-дан кейинги тақдирлари ҳақида жиддий уйлаб қуриш керак. Ана шунда сиз айтмоқчи бўлган «синиш»лар бўлмайди.

-- Назаримда, Андижон бокси бутунгидек чуқурга кўтарилмаган эди. Агар ўринбосарлар масаласига жиддий эътибор берилмаса эртага яна пас-слаб кетish эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунинг учун қобилиятли болаларни то-пиш, уларга бокс сирларини ўргатиш ва шу йўл билан виллоят терма жамоаси сафини иқтидорли ўсмирлар билан тўлдирish каби ишлар амалга ошири-ляптими?

-- Албатта, агар ўсмирлар терма жамоамизнинг республика, халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффа-қиятли иштирок этаётганлигини ҳисоб-га олсак, ўринбосарлар масаласида кўнгилмиз тўқ.

1997 йилда Ўзбекистон спортчилари-ни, жумладан, боксчиларни ҳам қатор нуфузли халқаро мусобақалар кутмоқда. Биз, республикамиз шара-фини ҳимоя қилаётган боксчиларга, уларнинг устозларига омад тилаймиз.

О. ПОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Футбол федерацияси мамлакат VI миллий чемпионатининг олий лига ўйинлари жадвалини ишлаб чиқди. Кўп минг сонли футбол муҳлислари талабини эътиборга олиб, ушбу чемпионатнинг биринчи давра ўйинлари жадвали билан таништириб ўтамиз.

Март

I тур

18. «Косонсой» (Косонсой) -- «На-саф» (Қарши)
«Атласчи» (Марйилон) -- «Чилонзор» (Тошкент)
«Зарафшон» (Навоий) -- МХСК (Тош-кент)
«Трактор» (Тошкент) -- «Янгиер» (Янгиер)
«Бухоро» (Бухоро) -- «Пахтакор» (Тошкент)
«Дўстлик» (Тош. вил.) -- «Сўғдиёна» (Жиззах)
«Афросиёб» (Самарқанд) -- «Навбахор» (Наманган)
«Андижон» (Андижон) -- «Нефтчи» (Фарғона)

II тур

22. «Насаф» -- «Нефтчи»
«Навбахор» -- «Андижон»
«Сўғдиёна» -- «Афросиёб»
«Пахтакор» -- «Дўстлик»
«Янгиер» -- «Бухоро»
«Чилонзор» -- «Зарафшон»
«Косонсой» -- «Атласчи»
23. МХСК -- «Трактор»

III тур

26. «Атласчи» -- «Насаф»
«Зарафшон» -- «Косонсой»
«Дўстлик» -- «Янгиер»
«Афросиёб» -- «Пахтакор»
«Андижон» -- «Сўғдиёна»
«Бухоро» -- МХСК
«Нефтчи» -- «Навбахор»
«Трактор» -- «Чилонзор»

IV тур

30. «Пахтакор» -- «Андижон»
«Янгиер» -- «Афросиёб»

«Атласчи» -- «Зарафшон»
31. «Насаф» -- «Навбахор»
«Сўғдиёна» -- «Нефтчи»
МХСК -- «Дўстлик»
«Чилонзор» -- «Бухоро»
«Косонсой» -- «Трактор»

Апрель

V тур

4. «Зарафшон» -- «Насаф»
«Трактор» -- «Атласчи»
«Бухоро» -- «Косонсой»
«Дўстлик» -- «Чилонзор»
«Афросиёб» -- МХСК
«Андижон» -- «Янгиер»
«Нефтчи» -- «Пахтакор»
«Навбахор» -- «Сўғдиёна»

VI тур

8. «Насаф» -- «Сўғдиёна»
«Янгиер» -- «Нефтчи»
МХСК -- «Андижон»
«Зарафшон» -- «Афросиёб»
«Косонсой» -- «Дўстлик»
«Атласчи» -- «Бухоро»
«Зарафшон» -- «Трактор»
9. «Пахтакор» -- «Навбахор»

VII тур

12. «Трактор» -- «Насаф»
«Бухоро» -- «Зарафшон»
«Дўстлик» -- «Атласчи»
«Афросиёб» -- «Косонсой»
«Андижон» -- «Чилонзор»
13. «Нефтчи» -- МХСК
«Навбахор» -- «Янгиер»
«Сўғдиёна» -- «Пахтакор»

VIII тур

17. «Косонсой» -- «Андижон»
«Атласчи» -- «Афросиёб»
«Зарафшон» -- «Дўстлик»

«Трактор» -- «Бухоро»
«Чилонзор» -- «Нефтчи»
18. «Насаф» -- «Пахтакор»
«Янгиер» -- «Сўғдиёна»
МХСК -- «Навбахор»

Май

IX тур

13. «Бухоро» -- «Насаф»
«Дўстлик» -- «Трактор»
«Афросиёб» -- «Зарафшон»
«Андижон» -- «Атласчи»
«Нефтчи» -- «Косонсой»
«Навбахор» -- «Чилонзор»
«Сўғдиёна» -- МХСК
«Пахтакор» -- «Янгиер»

X тур

17. «Насаф» -- «Янгиер»
«Чилонзор» -- «Сўғдиёна»
«Косонсой» -- «Навбахор»
«Атласчи» -- «Нефтчи»
«Зарафшон» -- «Андижон»
«Трактор» -- «Афросиёб»
«Бухоро» -- «Дўстлик»
18. МХСК -- «Пахтакор»

Июнь

XI тур

4. «Дўстлик» -- «Насаф»
«Афросиёб» -- «Бухоро»
«Андижон» -- «Трактор»
«Нефтчи» -- «Зарафшон»
«Навбахор» -- «Атласчи»
«Сўғдиёна» -- «Косонсой»
«Пахтакор» -- «Чилонзор»
«Янгиер» -- МХСК

XII тур

8. «Насаф» -- МХСК
«Чилонзор» -- «Янгиер»
«Косонсой» -- «Пахтакор»
«Атласчи» -- «Сўғдиёна»
«Зарафшон» -- «Навбахор»
«Трактор» -- «Нефтчи»
«Бухоро» -- «Андижон»
«Дўстлик» -- «Афросиёб»

XIII тур

12. «Афросиёб» -- «Насаф»
«Андижон» -- «Дўстлик»
«Сўғдиёна» -- «Зарафшон»
«Янгиер» -- «Косонсой»
«Пахтакор» -- «Атласчи»
13. «Нефтчи» -- «Бухоро»
«Навбахор» -- «Трактор»
МХСК -- «Чилонзор»

Июль


XIV тур

3. «Насаф» -- «Чилонзор»
«Косонсой» -- МХСК
«Атласчи» -- «Янгиер»
«Зарафшон» -- «Пахтакор»
«Трактор» -- «Сўғдиёна»
«Бухоро» -- «Навбахор»
«Дўстлик» -- «Нефтчи»
«Афросиёб» -- «Андижон»

XV тур

7. «Андижон» -- «Насаф»
«Нефтчи» -- «Афросиёб»
«Навбахор» -- «Дўстлик»
«Сўғдиёна» -- «Бухоро»
«Пахтакор» -- «Трактор»
«Янгиер» -- «Зарафшон»
«Чилонзор» -- «Косонсой»
8. МХСК -- «Атласчи»





-- Шароф ака, деярли барча асарларингизда аёллар мавзун у ёки бу даражада акс этган. Айтинчи, аёл деганда кўз олдингизга нима келади? Гулми, кўшми...?

-- Аёлни асаларига ўхшатаман. Эрта-ю кеч тиними, ороми йўқ. Боради— зув-зув, келади—зув-зув. «Юмушлари шунчалик кўпки, бир пиёла чойини вақтида ичиб ололмайд, овқати қосада совуб қолади кўпинча. Биз эркаларнинг ўзимизга аён ва ҳеч қачон фориғ бўлолмайдиган ярамас бир одатимиз бор. Ишдан чарчаб келганимизда дастурхон ёзишга ҳаялласса кун бўйи нима иш қилдинг ўзи, дегандай рафиқамизга норози қиёфада зардали боқамиз. Борди-ю, хизматдан кечикиброқ қайтса ёки бирор кун уйда бўлмаса кўзга кўринмайдиган майда-чуйда (аслида катта) рўзгор ишларини фақат аёлгина уddaлай олишига ишона бошлаймиз.

--Тўғриси, «Темир хотин» сизни машҳур қилиб юборди. Бу ажойиб асарни ёзиш қандай ҳаёлингизга келиб қолганли ўзи?

-- Бу асли, улфатлар ўрта-сидаги шунчаки бир латифадан бошланганли. Оғайнилар ўқидингизми, бир робот аскар бор эмиш, деб қолишди. Бепарвогина тингладим. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, борди-ю аёл киши робот бўлса нима бўлади, деган фикр-хаёлимда айланаверди. Далада, кўш тиги остида жингиртоб бўлиб ишлаётган хотин-қизлар роботдан ҳам баттар-ку дедим, негадир ўзимга-ўзим. Шу тариқа фикрлар туғилиб, бири-бирига занжирдай уланиб кетаверди. Лекин аёл тақдири ҳақида асар ёзаман деб ўйламагандим. Нималарнидир қоғозга тушира бошладим. Ёзиш -- бу беркиниб ётган ҳаёлларингни топиб олиш экан. Аввало, раҳматли онамни эслаб кетдим. Биз -- 7 нафар фарзанд (икки қиз, беш ўғил) онамиздан жуда эрта ажраганмиз. Катта опамни ҳам барвақт турмушга бериб юборганимиз учун ҳамма иш ўзимизга қолган, аёл кишининг овозига ҳамиша интиқ эдик. Ҳатто айбимизни ҳам кечирадиган меҳрибонимизнинг йўқлигидан кўнглимиз

чувирдик. Хуллас, болаликда кўрган-кечирганларим фақат далил эмас, ақсинча кўнглимда ҳиссиётлар сифатида ҳам сақланиб қолган экан. Уларнинг ҳаммасини «Темир хотин»га сарфладим. Агар ёдингизда бўлса, асарда «темир» деб ишлатаверасизми, уни ҳам асраш керак» дейилди. Менимча мана шу иборани аёлга нисбатан ишлатиш жоиз.

-- «Темир эркак» экранга чиқиши билан кўпчилик уни ҳам сиз ёзган бўлсангиз керак, деб ўйлашганди. Ёзингиз ҳам мумкинми?

-- Албатта. Режиссёр Исмаил Эргашевга олдиндан бу ҳақда гапириб ҳам бергандим: «Илмий-тадқиқот институтида ишлайдиган, содда кийиниб, содда яшайдиган бир аёл робот яратди. Хизмат сафарига

олдин «қайтиб келгунимча роботни уйингда сақлаб тур, бўлмаса мен йўғимда ҳамма иш буюравериб чарчатиб

кўяди» деб ўриштириб ҳаммасидан илтимос қилади. Охири қиёбат у роботга ўрганиб қолиб, дугонаси келгандан сўнг, қайтиб бермайдан деб оёқ тираб туриб олади».

Хикоям кейинчалик режиссёрнинг ёдидан чиқиб кетди, шекилли. «Темир эркак» сценарийсини Махмуд Тўйчиев ёзди. Менинг ҳеч қандай алоқам йўқ.

-- Аёлниг уйда ўтиргани яхшими ёки ишлаганими?

-- Табиатан аёл — асли ичкариники, эркак эса кўча одами. Аёлниг вазифаси ўчоқнинг ўтини ўчирмаслик. Лекин у фавқулодда худо берган қобилиятли ва таланти бўлса-чи? Албатта ишлаши керак, чунки у ниманидир излайди, кашф этади, жамиятга фойда келтиради. Бундайларнинг уйда ўтириши увол. Иккинчи бир тоифа аёллар бугунги ўтиш даврида эрларининг ёнига кириб, рўзгорнинг бир томонини кўтаришга мажбур бўлишяпти. Уларга ҳам раҳмат. Лекин кийган кийимини кўз-кўз қилиш, гап сотиш, валақлашиш мақсадида ишлайдиган аёлларга тоқатим йўқ. Улар яхшиси уйда ўтиришгани маъқул.

Кези келганда аёл латофати билан сирли ва жозибалор эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Кимга қанақа-ю, менга уларнинг футбол ўйнаши, бокс тушиши, каратэ, таэквондо билан шуғулланишлари мутлақо ёқмайди. Яқинда бир кино кўрдим: аёллар бир-бирини шунақа тепиб-дўппослайдики, бундай ваҳшийлик эркаларнинг қўлидан келиши амри маҳол. Ўзбек хотин-қизлари Бегойим, Гулойимлигича қолишса, дейман-да:



Унинг вазифаси ўчоқнинг ўтини ўчирмаслик, дейди суҳбатдошимиз ёзувчи Шароф БОШБЕКОВ.

Орзуга айб йўқ. Кўр-кўрона эргашган сари ўзлгимизни йўқотиб бораверамиз.

-- Фейл-атворингизда ўзингизга ёқадиган ва ёқмайдиган томонлар борми?

-- Энг яхши фазилатим шуки, мен жуда садоқатлиман. Нафақат оилам, қариндош-уруғларим ва дўстларим, балки кўнглимга ўтиришиб қолган одам учун ҳам. Қасбимга-ку ўта беқийс даражада. Катта пул ишлаш имкониятлари жуда кўп марта туғилганда ҳам садоқатлигим «халал» бериб, мени хиёнатлардан сақлаб қолади. Энг ёмон одатим -- менга ҳеч бир ёмонлик қилмаган бўлса-да, ўзим ёқтирмаган одамнинг нуқсон ва камчилигини ҳеч қачон кечирмайдман. Биламан, ҳадиси Муборакда «Мусулмон кечиримли бўлади», дейилган. Баъзан ўзини қаматиб, уйини олиб қўйган одамнинг асарига тақриз ёзиб берган Мақсуд Шайхзоданинг олдида сен кимсан, кечирешни ўрган дея танбех бераман ўзимга-ўзим. Лекин... Нима

қилай?

Оилада инжиқ ва эътибор талабман. Осийишталикни яхши кўраман. Қизларимнинг (уч нафар) бориға шукр қиламан. Мени авайлаб-асрашади. Ишлаб ўтирган бўлсам, деярли шивирлаб гаплашишади, оёқ учидея юришади. Шу гапимни албатта ёзинг: эркак уйда қанча кўп ўтирса, шунчалик майдалашиб, мувозанат бузилиб боравераркан. Баъзан ошхонага бориб «қозонга мунча кўп ёғ солмасаларинг. Шундан жигилдон қайнайди-да» дейман-у... даъфатан нафақага чиққан чолларнинг кампирига, бола-чақасига ёқмай қолиш сабабини туйгандек бўламан. Кексайганимда чойхонага чиқиб туришга аҳд қиламан олдиндан.

-- Уй-рўзгор ишларида аёлингизга ҳар доим ёрдамлашасизми ёки ахён-ахёндами?

-- Оилада аёл кучи етмайдиган юмушлар ҳамиша менинг зиммамда.

-- «Ҳамма фарзандларим ҳам яхшику-я, лекин мана буним сал бошқачароқ-да», деймиз кўпинча мамнулик билан. Шу «мана буниси сал бошқачароқ-да» иборасини қайси асарингизга нисбатан ишлатишингиз мумкин?

-- «Тақдир эшиги»га.

Чунки у беозор, ҳаммага яхшилик тилайдиган асар. Бошқаларининг эса тиши, тирноғи бор. Кимларгадир тегиб кетади.

-- Шу кунларда янги асар ёзаяпсизми, йўқми?

-- Телевидение учун «Чархпалак» деб номланган 60 серияли асаримнинг 20 сериясини тахт қилиб қўйдим. Шунингдек, «Фарход қўшув Ширин» мусиқали кинокомедиясининг (сценарий муаллифи ҳам, режиссёр ҳам ўзим) ярмини лентага олиб бўлдик. Бош ролларни Кумуш Раззоқова билан Қозим Қаюмов ижро этишган. Бир йилга шу иккита иш етар. Кейинги йилларга ҳам кўп ишлар режалаштирганман. Бу ҳақда мавриди билан батафсил гаплашармиз.

«Халқ сўзи» мухбири
Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди.

АЛЛА

Кўзларимнинг қароғи,
Хонадоним чироғи
Нурга ўраб суйойин,
Гулга ўраб суйойин.
Ҳар нарсадан шириним
Кўзичоғим, қулуним.
Ўзи берган эркатой,
Ўзи берган қулчатой.
Гулу райҳоним алла,
Жону жаҳоним алла,
Ухлаб, ором олгин-а
Алла-ё алла!



ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

Оила табиатнинг шоҳ асарларидан биридир.

Ж. Сантаяна.

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

Лев. Толстой.

Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

А. Франс.

Ўз эрини олға юргазмаган аёл уни, шубҳасиз, орқага тортади.

Ж. Милль.

Кексаликдаги муҳаббат иллатга айланади.

О. Бальзак.

Аёл кишини изтиробларга қўйган ҳолда эркакни бахтли қилиш қийин.

В. Гюго.

Агар кишининг хонадонини қирқ ёшга киреунча болалар қий-чуви билан тўлмаса, ваҳима билан тўлади.

Ш. Сент-Бев.

БИР КҮН КЕЛИБ УЙИНГИЗДА
МЕН БЎЛМАСАМ

Сизга асқаб толе тўла ҳовлим боғи
Кулгингиздан батанг келсин мен
бўлмасам.

МЕТРИКА

Оталарин азиз мулкларин тиғиб,
Икки метрикани топдим... Ва
лекин...

Мана, ярим аср умрим ўтиб
Етук фарзандларга онамен букун.

Атай ахтармадим буни бирон кун

Сипқорилмас жом кўп ҳаётда,
Энг эзгуси кўзларда яшар.
Тўқилсайди у ҳамма зотда,
Дув сўқилиб кетарди башар...

Ҳамма қонунларнинг устидан чизиб,
Менга қайта умр этсалар инъом,
Ахтариб топардим ҳар босган изим,
Бекор ўтганига бахш

этардим жон --

Ҳар бирига тутар эдим бир шеърим.

«Мудом кайфиятга тобеъдир инсон,

Кўёшни, яшашни,
зилзилани ҳам
Севиб, кўрқиб,
енгиб яшагум келар,
Ахтар ердан, кўкдан илҳомни
илдам,
Балки мен кирмаган
йўлларда елар?

Инсон юрагини топишга қодир
Ақлим, кўзим тоғди бир сўз
шеърсиз...
...Умримда юз берсин мўъжиза
содир,
Шеър бер, куч бер менга, қолмай
шодликсиз...

ХАЙР ЭНДИ...

Хайр энди, видога чоғ етди
муддат,
Наздимда қолмади олдинда йўлар.
Қолгани яшиндек шоққин, тез
сурғат,
Муаллақ қотади узатиқ кўллар...

Орзулар бўлмасин офтобдай ёрқин,
Гулбаргдан чийралган каби узилур.
Яшаш қанча ширин бўлмасин,
лекин
Юмулиш истамай кўзлар сузилур.

На севги, на нафрат, на қувонч,
азоб...
Не дод, кекса ажал абад огоҳда
Юкчи тевазимон тонг-ла чорроҳда,
Гангиб қолсам, эгам, садқа эт
нажот...

II

Хайр энди, табиат, тўрт дунё
хусн,
Қулук, узоқ йиллар яшадик инюк.
Қишингда оқ кўркинг сеҳрлаб
ҳиссим,
Саратонинг туйғум ёҳди
қайноқроқ...

Сенинг ўзинг танҳо мумтоз бир
китоб,
Расо ва норасо дарсинг ўқидим.
Бу тун борлигимла қучдим-у
боб-боб,
Оғриқдан таваллуд шеърлар
тўқидим...

Бандаман, эй тангрим, кашфи
табиат,
Ахир бир кун сўнар бу кўзларда нур.
Калимага заиф қолганда қудрат,
Сенга сўнги саждам -- умрим
тўқилур...

МЕН

БЎЛМАСАМ

«Не қилайлик?», «Қандай бўлса?»,
«Нечук бўлур? --
Сўрасангиз, наздингизда кўнглим
тўлур.
Болажонлар, бир кун шамдай бу
жон сўнур,
У чоқ кимдан сўроқлайсиз, мен
бўлмасам?»

Гул эмасман, кўзингизда турсам
яшнаб,
Чинормасман, турсам йўлга кўлка
ташлаб.
Гўдакмассиз, юрсам сизни йўлга
бошлаб,
Не бўлади уйингизда мен бўлмасам?

На илож бор, бир насиба бўлади
кам,
Бу заҳматкаш, тинмас қалам
олади дам.
Бир неча вақт дилингизга тўлади
гам,
Бир кун келиб уйингизда мен
бўлмасам.

Бу қадрдон ишхонамда ўчар чироқ,
Аста-секин дўсту шогирд кетар
йироқ.
Уйдан-уйга бўзлаб юрар етим
фироқ,
Бир кун келиб уйингизда мен
бўлмасам.

Гоҳ чехрамни тунд этганда ер
ташвиши,
Ғусса бўлиб босса куннинг қолган
иши,
Бири у деб, бири бу деб юрган киши
Не дер экан бир кун келиб мен
бўлмасам?

Жон бағримдан узиб сизга берган
хаёт,
Гоҳ кўрганда чехрангизни шодликка
ёт,
Ёстиқ қучиб унсиз, пинҳон
солганим дод
Билармисиз уйингизда мен
бўлмасам?

Ҳар қаричи кўз ёшимдан
шўраланган,
Ҳар ниҳолдан азиз боғбон
сўроғланган,
Шу боғбондан жуда эрта мерос
қолган
Бу даргоҳда не кайф кезар, мен
бўлмасам?

Ҳар ғиштида баҳоримнинг бир
япроғи,
Ҳар бурчида ҳароратим дил ардоғи,

ФАРЗ

Баҳорнинг илк куни -- 1 март халқимизнинг
севимли шоираси Зулфия опа таваллуд толган,
дўсту шогирдлари бирга бўладиган кун эди.
Афсуски... бугун на фақат қариндошлару шогирд-
лар, балки ҳар йили шу санада бу уйга шоирани
йўқлаб келгувчи бинафша-ю, чучмомалар ҳам
мунғайиб, бош эгиб қолишди. Кўзларида мил-
тир-милтир ёш.

Биз эса у кишини яна бир бор эслаб, хотирлаб, жаннат-
лардан жой сўраб, турли йилларда ёзилган, лекин айрим
дафтарларда қолган, асосан эълон қилинмаган (Зулфия
опа ўзига ҳам, шогирдларига ҳам ўта талабчан эди-да)
шеърларидан намуналарни мухлислари эътиборига ҳавола
этмоқдамиз

Зеро ҳар саҳфаси, они эсимда
Жисмимдан узгунча сезмаганларим,
Қалб эшидай кезиб юрди жисмимда.

Бўйи билан бўйим,

хусни-ла хусн

Касб этиб юраман олашим ичра:
Ифтихордан кўксим кўпчиган ҳар кун
Мени азоб-ла эзиб ташлар хотира.
Дерди: «Қизим сиздай бўлсин суюкли,
Уғлим бўлсин мендай хуш толеъга
ёр!»...

II

ҚИЗИМГА...

Эсимда... Ҳаммаси эсим, сезгимда,
Инсон туғилишин севишчи, дарди...
Узим тўнганда ҳам бўлдинг
севгимда,
Дардлар унутилди... гўё йўл гарди.

Ўсдинг ёзда яйраб, лекин қиш ҳоврип
Меҳрим ўтларида синдирсам, дедим.
Баҳор гўзаллигин, куз саҳийлигин,
Қор поклигин сенга сингдирсам,
дедим.

Шундай... тандан уздим, юлмадим
дилдан,
Аввал эргаштирдим, сўнг ўтдим
ортга.
Ортдан кўрмоқ осон: бахтлими
чиндан,
Лойиқми мен эккан ниҳол ҳаётга?..

ААХЗАЛАР

Оқшом эди, бир оғуш оқшом,
Ҳам дилдираб, ҳам сирқираб дил.
Кўзлар лик мунг, шодлик тўла жом,
Сипқориш ҳам жониз, тўқмоқ ҳам
мушкул.

Ҳар юракда турфа ранг нидо,
Ҳар бир сўзининг ўз эзгу сири.
Шунда кучли, мағрурлар ҳам гоҳ
Бўлиб қолар онлар асири...

Хастасан, тағбинга киради
тундлик.
Гўё ишонч синиб, зарб ёйди имон,
Умрининг ўзи ҳам қолди бир
кунлик...

Тунги сукут тарқалиб,
Тонг товушга тўлиб отади,
Шаббодага япроғин артиб
Дарахт кунга қулоч очади.

Кекса она табиат турар,
Таржимонсиз киради руҳга.
Ҳар бир жонга уйғониш берар,
Мадад бўлар ҳатто мажруҳга...

Ҳаёт -- баҳорсифат беназир тўхфа,
Ҳеч кимнинг қалбини унутиб
кетмас.

Борлиқни сийлайди не хил --
не турфа
Гоҳ саҳий бисоти ҳаммага етмас.

Гўзал ялғизлиб ботаётган кун
Онанинг дилига жуда ўхшайди.
Гарчанд борлиқ узра қуйилади тун,
Барибир кўёшнинг ўти ўчмайди.

Мени дард енгдими, ё битдими куч,
Вужуд сўқилгандай чок-чокдан гўё,
Тинглайман, ўқийман, лекин дил
бўм-бўш,
Куп-кундуз кўрганим ўнгимми,
рўё?

Қайда парпирайди ғайрат,
шижоат,
Жўшқин ҳаётга жўр бир
жуфт қанотим?
Ирода, кўзинг оч, берма
иждоат,
Ястаниб ўтмасин қолмиш
ҳаётим...



Бир қарча яқин заҳомат анча
Режа бандидан истиқомат анча.
Эмдиким қондан оқди ҳар ён сайл,
Сел ўз марказига айлади майл.

Сингиб ул навъ нам қуйи кетди,
ки бу нам сув намига етди.
Болчиғ ул навъ бўлди ов элига.
Ки стар эрди кимсанинг белига.

Бодполарга ботмоқ бўлди иш,
Болчиғ устида ётмоқ бўлди иш.

Бўйла ҳолатда қуёш чекти ниқоб,
Парда ёпди қуёш юзига саҳоб.

Булут эл узра қатрабор ўлди,
Нўҳ тўғони ошқор ўлди.

Ушбулар барча бор эди мавжуд,
Бўлди бир дамда ов эли нобуд.

Ҳазратнинг Марғзор ҳақидаги мазкур сатрлари бежиз эмасдир, балки у кишининг ҳозирги Поп тумани ўрнида бундан VI--VII асрлар муқаддам содир бўлган Нўҳ тўғони янглиғ тўфон ҳақида ва бу тўфоннинг қўлаб жойларни босиб қолганлигини билган ёки эшитганликларидан далолат бермасмикин? Эҳтимол, у киши мутлақо бошқа марғзор ҳақида ёзгандирлар, лекин нима бўлса ҳам шoirнинг ҳаёлларидаги тўфон бу кун рўё бўлиб чиқди. Марғзор қишлоғидаги

«ХАМСА»ДА КҮЙЛАНГАН МАРҒЗОР

Ташқаридан қараганда бино XIII--XIV асрларда қурилганга ўхшаб кетади. Эҳтимол, у қасрдир ёки масжиддир, бунинг кейинги ўрганишлар кўрсатади. Нима бўлганида ҳам бинони ва унга туташ бўлган қўрғонни бирданига лой босган ва манзил асрлар оша «кул остида қолган Помпей» каби тупроқ остида қолиб кетган.

Шу пайтгача қишлоқнинг номланиши ҳақида ҳам турлича фикр ва қарашлар мавжуд эди. Баъзилар уни «марғзор», «моргузар», баъзилар эса «мурғзор» сўзларидан келиб чиққан, деб аташарди (яъни «ўлик-зор», «илонзор», «паррандазор»). Аслида форсий тилдаги -- ЗОР қўшимчаси фақатгина ўсимликлардан кейингина қўлланилади: теракзор, лозазор, олмазор каби... «Марғзор» эса туркий сўз бўлиб, ўтлоқзор маъносини аниқлатади.

Буни қарангки, ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»сидаги «Саъбаи сайёр» достонининг охириги XXXV бобида Марғзор тўғрисида шундай ёзади:

«Баҳром гўрнинг ов азмига чарға солғони ва ажал ҳайли овининг чарғасига қолғони ва сайд азмига гўр суммининг тезрафторлиги ва ўзининг гўр домига гирифторлиги ва салтанатининг анжони ва тарих фасонасининг итмони ва ихтиоми». Мазкур бобда тасвирланишича, Баҳром гўр овга чиқиб, ўлжани бир кенг ўтлоқзорга, яъни марғзорга ҳайдашни буюради.

Бу жойни шоир:
Бир фалаквор марғзор эрди
Тула отлиғ бирла шикор эрди,
деб тасвирлайди. Сўнгра ов таърифини келтирар экан, дейди:

Сайдга ҳадин ошди эл жаври
Уч йиғоч эрди чарғанинг даври.
Лек ўн-ўн беш саф эрди тў-бар тў,
Сайдин чарға ўртасида гулу.
Заҳм ила сайд баски зор ўлди,
Марғзор ўйла лозазор ўлди.

Бунда Навоий овчиларнинг ҳайвонларга кўрсатган зулм-шафқатсизликларини таърифлаганидан сўнг уларнинг ўзларини ҳам бу ердан чиқиб кета олмасликларини, чунки бу жой марғзор-ўтлоқзор кўрингани билан унинг таги балчиғ-у сув эди, дейди:

Марғзорки, ов эли анда,
Қон йўли нов-нов эли анда.
Гўйиё ўйла ер экандир бу
Ким бор эмиш тубида балчиғ-у сув.

Юзини гард таҳ-батаҳ тутмин
Айда ёмғир ёғиб гияҳ битмин.
Чун гияҳ битмини бўйлақим теша
Тубини маҳкам айламин режа



лой остидан чиққан бино эса фикримизнинг яққол далилидир.

Албатта, юқоридаги фикрлардан сўнг Навоий Поппа бўлганими, йўқми, унга бу фалаквор Марғзор нега керак бўлиб қолди, деган ҳақли савол туғилади.

Маълумки, Поп қўрғони ўша даврларда ҳам ўзининг қўлай жўғрофий ўрни ҳамда истеҳкомларининг мустаҳкамлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Буюк шоир ва истеъодли саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома»сида бир неча марта Поппа бўлганлиги ва бу ерда илиқ кутиб олиниб, ўшандай тало-тўп замонларда ҳам полкилар унинг томонида бўлиб, қўлаб-қуватлаганликларини ўзгача бир меҳр билан қаламга олади. Ҳазрат Навоийнинг Поп томонларда бўлганлиги тўғрисида эса ҳеч қандай маълумот йўқ.

Навоий «Хамса» даги ҳар бир достонни теран фалсафий мушоҳада билан яқунлайди. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»да муҳаббатнинг ҳатто ўлимдан ҳам устун эканлигини кўрсатган бўлса, «Садди Искандарий»да дунё бойликларининг абдий эмаслигини таъкидлайди. «Саъбаи сайёр»нинг якунида шоир ўлим олдига шоҳ ҳам, гадо ҳам барабар эканлигини ифода-лайди. Бунинг учун сайд ҳам, сайёд ҳам, шоҳ ҳам, сипоҳ ҳам, шер ҳам, жайрон ҳам барабар ҳалок бўладиган ов манзарасини келтиради. Марғзорда иштиёқ билан ўтлоқнинг таги лой-балчиқ эканлигини билмай кириб қолиб, барабар ҳалок бўлишлари ва ўз ўлимлари олдидан бир-бирларини қучишлари катта фалсафий маънога эга.

Шу ниятни бадиий акс эттириш мақсадида ҳаҳон адабиётининг йирик дурдонаси бўлмиш «Хамса»га «марғзор» сўзи кириб қолган ва ўша ерда содир бўлган «Нўҳ тўғони» ҳам тасвирланган, деб ўйлаймиз.

Биз Навоий тасвирлаган Марғзор билан Поп туманидаги Марғзор қишлоғи орасида боғлиқлик бор, деган қатъий даъвои илгари сурмоқчи эмасмиз. Марғзордан топилган бино ҳақидаги сўнги сўзни эса мутахассислар айтишарлар.

Ҳайитбой ЭРТАШЕВ,
ўқитувчи.

БЕШИКДАН БОШЛАНУВЧИ

ТУЙҒУ

Публицистика

Юртимиз истиқлолга эришди. Бу миллатимизнинг йигирманчи асрдаги энг буюк ютуғидир. Истиқлол бизга ҳақ-хуқуқ ва эрк берди. Тўғри, ҳали талай муаммоларимиз бор. Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига чиқиб олиши учун астойдил меҳнат қилишимиз керак. Ана шу юз беражак буюк ўзгаришлар, тинимсиз изланишларнинг улкан таркибий қисми жамият аъзоларида миллий онгининг шаклланишидир.

Миллий онг миллат қалбидир. У аввало, ҳар бир фуқаронинг ўз-ўзини англаши, қадрлашдан бошланади. Тарихини, маданиятини, аждодини, улар яратган қадриятларни англамаган, бу қадриятлар мағзини чақолмаган кишида миллий онг шаклланимайди.

Бир воқеа ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди. Бундан ўн йиллар муқаддам тахририятга бир ёш аёлдан шикоят хати келди. Унда боғча мудирасининг ноҳўя талаблари, ходималарни зир югуртириши арз қилинган эди. Воқеани атрофлича ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, фирқа аъзоси бўлган мудир барча ходималарга ишга лозимда келмаслиқни шарт қилиб қўйган экан. Мақтуб йўллаган аёл айниқса, мана шу талабдан қаттиқ норози бўлган эди. «Синглимизни ишдан ноҳақ бўшатибсиз. Сиз

дарди, миллий онг, ўзбекона дунёқараш, юртнинг эртанги уфқида теран нигоҳ ташлаш хусусиятлари кучли эди. Замона жаллодлари, Сталин шотирлари ўзбек миллатини маҳдудликда сақлаб туриш учун ана шу юрт ўғлонларини гўнчалиғидаёқ ҳазон этдилар. «Кишан кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилгонсен!» Озодлик, эрк, ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши, қадрлаши ҳақида бундан ошириб сўз айтиб бўладими? Бу умрибоқий ҳайқирикнинг мағзини чақадиган пайт келди. Бу ҳайқирик ҳали юз йиллар, минг йиллар давомида қалбимизга тоза нур ва туганмас қувват бериб туриши тайин.

Хур туғилган инсон боласи қора кучлар қаршисида бўйин эгмаслиги, кишан киймаслиги учун унинг юрагида ўз «мен»и бўлиши лозим. Ана шу «мен» деган туйғу қаерда, қайси соҳада ишламайлик бизни йўлчи юлдуздек олға чорлаб, меҳнат қилиш завқини ҳада этиб туради.

Бир таниш киши ҳар учрашганимизда «Хўш, истиқлол бизга нима берди? советлар даврида бир халта ун 15 сўм, бир қути гугурт 1 тийин эди», дея мени баҳсга чорламоқчи бўлади. Унга эрк ва ҳуррият қорин қайғусидан осмон қадар юксак эканлигини айтиш, иқтисодий қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини тушунтириш қоронғи уйдаги нишонга тош отиш билан барабар.

Меҳнатобод туманида Очил Турдибеков исмли дехқон-фермер ҳўжалигининг раҳбари бор. 7-8 йил муқаддам у ҳўжаликка раҳбар эди. Жамоани юксалтирмаган, дея бошини не тошларга урмади. Утирса ўпоқ, турса сўпоқ бўлиб, не-не таъна-ю дашномларга учрамади. Истиқлолнинг илк йиллари шартта ҳўжаликдан ер ажратиб олиб «рўзғори»ни бўлак қилди. Орадан ўтган йиллар ичида у билан ёнма-ён ишлаётган одамларнинг ҳамени пулга, омбори донга, кўнгиллари замонага нисбатан шўқроналик туйғуларига тўлди. Фермер ҳўжалигининг банкдаги ҳисобида миллион-миллион сўм пули, бостирмада машина-механизми бўлиб, ҳар йили пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишарди. Яқинда бир раҳбар билан Очил Турдибеков ўртасида гап қочибди. Раҳбар фермерни устамонликда, одамларни ўзига огдириб олаётганликда айблабди. Баҳсни эшитиб «Шу даъволар ростми?» дея Турдибековдан сўрадик. «Бе, қаёқда дейсиз. Қўллар бизга ўтиб ишлаш учун оилаб навбат қутишди. Мен бу одамларга рад жавоби беравери чарчадим-ку! Қилган ишим битта: далада шерикларимга гап ўрнига меҳнат қилишни ўргатдим, ҳолос. Бугунги ҳаётнинг бутун мазмуни ҳалоллик билан меҳнат қилишимизга, тадбиркорлиқни бутун чоралар билан ривожлантиришимизга боғлиқ. Мана шундай самарали меҳнат нонининг таъминин сезган одамни миллати ўқталиб ҳам орқага қайтариб бўлмайди. У фаровонлик, тўй-томошалар, тўқинлик манбаи меҳнат эканлигини англаб етади. Бу одамда миллий онг шаклланади...»


Мен бир неча воқеаларни мисол тариқасида келтирдим. Ана шу воқеалардан, мисоллардан қатор замондошларимизнинг ҳаёт, бугунги ва эртанги кўнга бўлган муносабатлари яққол кўриниб турибди.

Миллий онг бешикдан, аллалардан, боғча ва мактабдан бошланади. Тарбия тетапоя бўлган болалардан, ўқувчилардан, талабалардан оёқланмас экан, биз фурсатни бой берамиз. Келажак авлод вакилларига ўзбек миллатининг ўтмиши, бугуни, маданияти ва адабий қадриятларини босқичма-босқич тушунтириб боришимиз лозим.

Миллий онг ўз давлати, ўз байроғи, ўз мадҳияси билан фахрланишидир. Миллий онг дегани боболар заковатини юракка жо қилишдир. Миллий онг Ватанини бир кун кўрмаса Ватан билан кучоқлашиб қўришидир. Миллий онг оталар, боболар, момолар қўйлаган қадимий қўшиқлар янграганда киприкларга сизиб чиққан кайноқ ёшлардир.

Миллий онг кечаги кун сабоқларини юрагига муҳрлаб олиб, эртанги кўнга ишонч билан кучоқ очаётган сиз билан менинг қалбимдир.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ.
«Халқ сўзи» муҳбири.



ДУШАНБА, 3

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.30 «Хафтаном».

8.30 «Санъат гунчалари». 9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Инсон қалбига йўл». 9.15 «Марсия». Бадий фильм. 3-серия (Италия). 10.00 Янгилар. 10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув. 10.30 «Рики-Тики-Тави». Республика кўйроқ театрининг спектакли. 11.20 «Одамлар орасидаги бўри боласи». Бадий фильм. 12.40 «Илм — ўзбеки билмакдир». 13.10 Дони Зокиров номидаги халқ чолу оркестрининг концерти. 13.40 «Мен туғилган тупроқ». 14.00 Янгилар. 14.05 — 14.50 «Фитрат ва санъат».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Эркатой». 18.30 «Ташаббус». Тадбиркорлар кўйроқ-танлови. 18.50 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилот» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Дилнавоз садолар». 21.35 Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг I конференцияси олдидан. «Умр лаҳзалари». Теле-очерк. 21.45 «Вакт». Публицистик кўрсатув. 22.05 «Бу оқшом...» 22.30 «Морена Клара». Телесериал. 22.35 «Дилнавоз садолар». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Олтин мерос. «Дугоҳ». 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Қалбимда Ўзбекистон». 18.55 «Оловуддин-97». Киноконцерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.50 «Спорт китъаси». 22.20 «Бебаҳо лаҳзалар». 22.25 Кундалик. 22.30 Охонлар ва Ўзлонлар. 22.50 «Кинонигоҳ». 00.20 — 00.30 Кундалик.

ЎзТВ III

17.55 Янгилар. 18.00 «Хива гиламлари». Телефильм. 18.10 Ўзлонлар.

18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба кизлари. Эмили». Телесериал. 6-серия (Канада). 22.30 «Кругозор». Тележурнал.

22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.

23.10 Ўзлонлар. 23.15 — 23.20 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анонси. 18.50 «Мультикарusel». 19.05 «Умид». 19.35 Ўзлонлар. 19.40 «Тасвир». 20.00 «Жаҳон». 20.20 Автотейд. 20.30 Кечки сеанс. «Уйна, уйна!». Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 21.40 «Аёл». 22.10 Ўзлонлар. 22.15 Киноматограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.05 «Спорт-тайм». 23.35 «Сен мени хафта қилдинг». Р. Сенчукова. 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 4

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Зумраша». Киножурнал. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилар. 10.05 «Кишлоқ тадбиркорлари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.00 Инглиз тили. 11.30 Адабиёт.

12.00 «Фаввора». Бадий фильм. 13.30 Загнота тумани «Ҳосил» ансамблининг концерти. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.00 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Улмас Умарбеков, Фарход Олимов. «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 1-қисм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Киниктоимиз — гикинтоимиз». 18.25 «Чемпион билан учрашув». 18.45 «Санъат дўстлигига чорлайди». 19.05 «Испохот одимлари». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Тўртинчи ҳокимият».

21.20 «Маънавият». «Оханглардан таралган меҳр». 21.40 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 22.25 «Замон». 22.35 А. Шарипова, М. Бафоев, Б. Йўлдошев. «Буюк Илқ йўли». Мусикий спектаклдан ялавҳалар. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Олтин мерос. «Регистон». Манзарали фильм. 00.05 Тунги тароналар. 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилош». Мульттўплам. 18.35 ТВ плус... 18.40 «Киносайера». 19.00 «Олтин кент». 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 ТВ плус... 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Спорт китъаси». 21.30 «Акс». 21.50 «Шибилармонлар ҳафтаси». 22.10 Кундалик. 22.15 Оханглар ва Ўзлонлар. 22.35 «Кинонигоҳ». 00.10 — 00.20 Кундалик.

ЎзТВ III

17.50 Янгилар. 17.55 «Типратикан, кучука ва Нико исмли бола». Мультфильм. 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба кизлари. Эмили». Телесериал. 7-серия. 22.30 «Сумалак». Телефильм.

22.50 — 23.10 Россия давлат телевидениеси.

23.10 Ўзлонлар. 23.15 — 23.20 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарusel». 19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатув. 19.15 «Америкага назар». 19.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар». 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.55 «Уйингоҳ плюс оила». 21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.55 «Истеъдодлар ва муҳлислар». 22.25 «Шибилармонлар ҳафтаси». 22.30 Киноматограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.20 ТВ IV да «Немис тўлкини». 23.45 «Жиллет-спорт». 00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 «Меҳримиз сизга». Ганижон Тошматов номидаги дуторчилар ансамблининг концерти. 8.55 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Нафосатга баҳишда умр». 9.15 ЎзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 10.00 Янгилар. 10.05 «Фермер». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Янги алифбонинг ўрганимиш. 11.00 «Бола бошидан...» 11.30 «Ассалом, япон тили».

12.00 «Курьер». Бадий фильм. 13.30 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.20 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Улмас Умарбеков, Фарход Олимов. «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 2-қисм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Бир хўткча ашгаган экан». Мультфильм. 18.20 «Бир ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 «Дилнавоз садолар». 18.35 «Замон билан ҳамнафас». 18.45 «Тасаввур олами». Ўзбекистон халқ расоми Ж. Умарбеков. 19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилот» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Назар». Публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. 21.20 «Дилнавоз садолар». 21.40 «Талкин. XX аср». 22.10 «Автоолам». 22.25 «Морена Клара». Телесериал. 23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Дойче-Велле» тақдим этиди... 19.05 «Зерикмай десангиз». 19.15 «Ором онлари». Концерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Кинонигоҳ». 22.30 «Зерикмай десангиз». 22.40 «Спорт китъаси». 22.55 Кундалик. 23.00 Оханглар ва Ўзлонлар. 23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.15 — 00.25 Кундалик.

ЎзТВ III

17.50 Янгилар. 17.55 «Дарҳон». Телефильм. 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба кизлари. Эмили». Телесериал. 8-серия. 22.30 «Шоҳсуна сари йўл».

22.50 — 23.20 Россия давлат телевидениеси.

23.20 Ўзлонлар. 23.25 — 23.30 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарusel». 19.00 «Бизнен мирас». 19.30 «Дунё ва болалар». 19.50 «Тошкентнома». 20.20 «Мусикий меҳмонхона». 20.50 «Кафолат». 21.10 «Мезон». 21.35 «Ер кўриси».

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

21.55 Ўзлонлар. 22.00 Киноматограф. «Тунги талваса». Телесериал. 22.50 Ўзлонлар. 22.55 «Экстремал ўйинлар». 23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 6

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Лирик концерт. 8.55 Иқтисодиёт чорраҳаларида. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгилар. 10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари. 11.00 Ўзбек тилини ўрганимиш. 11.30 География.

12.00 Тўлқин. «Қайнар хумча». Йўлдош Охунбоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 13.00 «Муҳаддас манзил». Публицистик кўрсатув. 13.25 «Уч қурбақа». Мультфильм. 13.35 «Туркистон — умумий уйимиз». 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.10 «Темир хотин». Бадий фильм. 1-серия.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 18.30 «Билиб қўйган яхши». 18.45 «Катта тавафус». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Юзма-юз». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Марказ ва минтақалар». 21.30 «Дилнавоз садолар». 21.45 «Мутғийба». Пайшанба хазина. 22.00 «Одамлар орасида». 22.20 «Одобнома». 22.30 Телетомошабинларнинг талабларига ёнган. Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13 ва 14-қисмлар. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

9.00 «Ерилош». Мульттўплам. 9.20 «Спорт китъаси». 9.30 «Қалбимда Ўзбекистон». 9.40 «Оловуддин-97». Киноконцерт. 10.10 «Бебаҳо лаҳзалар». 10.20 «Олтин кент». 10.35 «Акс». 10.55 «Шибилармонлар ҳафтаси». 11.15 «Зерикмай десангиз». 11.25 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам». 11.45 «Дунё буйлаб». 12.35 — 14.15 «Кинонигоҳ».

18.00 Кундалик. 18.10 Бугун пайшанба дастурида. 18.15 Ўзлонлар. 18.20 «Ерилош». Мульттўплам. 18.35 «Нафис мақсислар». 18.55 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам». 19.15 Оханглар. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Янқирок тур». 21.30 «7 дан 70 гача». Кизикарли дастур. 21.50 Кундалик. 21.55 «Сехрлар». Кўрсатув ва Ўзлонлар. 22.15 «Кинонигоҳ». 23.55 «Спорт китъаси». 00.10 — 00.20 Кундалик.

ЎзТВ III

17.50 Янгилар. 17.55 Болалар учун фильм. «Димканинг хўрози». 18.10 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.15 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба кизлари. Эмили». Телесериал. 9-серия. 22.25 ЎзТВ фондидан. «Шарқнинг етти гўзали». Мусикий фильм.

22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Ўзлонлар. 23.20 — 23.25 Янгилар.

ЎзТВ IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарusel». 19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.30 «Айчирек». 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.55 Болалар учун мультфильм. 21.15 «02» тўлкинида. 21.30 «Инспектор Фрост». Телесериал. 22.20 «Интер-спорт». 22.30 Ўзлонлар. 22.35 «Эллада». 23.05 «Каталог». 23.20 «Салом, масленица!». 23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Кекса санъаткорлар куйлайдилар. 8.45 «Юзма-юз». 9.05 Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 13 ва 14-қисмлар. 10.00 Янгилар. 10.05 «Аёл — олам сарвари». Телеочерк.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Математика. 12.00 «Яшнаб келди гулбаҳор». 12.30 «Халқ иқодиети». 13.00 «Кўшигим, жон кўшигим». 13.30 «Саҳна ҳаёти». «Наврўз-97» тақдир санъати фестивалининг янгулари. 14.00 Янгилар. 14.05 — 15.10 «Темир хотин». Бадий фильм. 2-серия.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгилар. 18.10 «Сизга атаган кун». Болалар учун концерт. 18.30 Бизнес ҳафта янгулари. 18.45 «Эрта — шанба». 19.05 «Маънавият». Фольклор-этнографик ансамблларининг «Зилот» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Мутғийба». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг I конференцияси. 21.30 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар кўни — 8 Мартта бағишланган тантанали йилгиш ва санъат усталари ҳамда ёш ижрочилар концерти. 22.50 «Морена Клара». Телесериал. 23.30 Ўзлонлар.

23.35 «Ахборот». 24.00 «Ривоят». 00.10 Тунги тароналар. 00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

ЎзТВ II

9.00 «Ерилош». Мульттўплам. 9.20 «Кўзминчок». 9.40 «Жаноби Бинн хангомалари». 10.10 «Жазба». 10.20 «Олтин кент». 10.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 11.00 Видео — «С». 12.40 — 13.10 «Спорт китъаси».

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 Телевидение ва театр. 19.00 «Аралаш-қуралаш». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Мусиқали гўлдаста». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 21.50 «Ханда дўкони». 22.10 Оханглар ва Ўзлонлар. 22.30 «Кинонигоҳ». 00.10 — 00.20 Кундалик.

ЎзТВ III

17.55 Янгилар. 18.00 «Жунгар тритонлари». Телефильм. 18.15 Ўзлонлар.

7.30 — 9.00, 18.20 — 21.40 Россия жамоат телевидениеси.

21.40 Ўзлонлар. 21.45 «Калеба кизлари. Эмили». Телесериал. 10-серия. 22.25 «Мусиқали хамма учун».

22.50 — 23.15 Россия давлат телевидениеси.

23.15 Ўзлонлар. 23.20 — 23.25 Янгилар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Байрам табриги. 18.55 «Мультикарusel». 19.10 Байрам табриги. 19.15 «Умид чечаклари». 19.45 «Маънавият ва Ислоҳ». 20.15 «Инспектор Фрост». Телесериал. 21.05 Байрам табриги. 21.10 Ўзлонлар. 21.15 «Ноев асарлари оғлаб». Телесериал (Италия). 22.05 «Сирдошлар». 22.35 Байрам табриги. 22.40 Ўзлонлар. 22.45 «Жума кўни, ишдан сўнг». 23.25 «Латоғат». 23.40 «Бу бўстон аро...» 00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 8



ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум». Мусикий дастур. 9.05 «Содиқ дўстлар». Мультфильм. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Тошкент. «Туркистон» саройи. Халқаро хотин-қизлар кўни — 8 Мартта бағишланган санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 11.00 «Катта тавафус». Байрам сони. 11.40 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув. 12.10 «Онажоним — жонажоним». Киниктоиларнинг байрам дастури. 12.40 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотиға номзодлар. Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 15.00 Спортимиз маликалари.

«Ёшлик» студияси намоиш этиди:

15.20 «Мен ёшликман». 15.50 «В

-- Истаган мавзунингизда
маслаҳат беришимиз мумкин.
-- Масалан ёзувчиларга ҳам
маслаҳат бера оласизми?
-- Ҳе-ҳе-ҳе! Ҳатто минис-
трларга ҳам маслаҳат беришимиз
мумкин. Нима бўляпти,
воқеаларни чўлмаяпсизми, ё
қаҳрамонингиз сизга қулоқ
солмаяптими?
-- Асарни яхши бошлайман,
-- шошмасдан тушунтира
кетдим. -- Воқеалар ҳам аччиқ
ичакдай чўзилиб кетавера-
ди.

эллик сўм эллик тийин
тулашингиз керак. Пул бизга
етиб келиши билан тиллога тенг
маслаҳатни олиб турибсиз-да!
Қизиқиб қолдим. Уч кун ўтказиб яна
кўнғироқ қилдим.
-- Алё, маслаҳатхонами?
-- Манзилни камтик қилманг,
тасаддуқ! -- дастакдан яна ўша
овоз эшитилди. -- Тиллога тенг
маслаҳатлар фирмасими, денг.
-- Хўп, хўп. Мен у
ёзувчиман, маслаҳат сўраб...
-- Нумирингизни айтинг,

-- Алашдингиз шекилли акам.
Мен ёш она эмас, ёзувчиман!
-- Ие, шунақами? -- дастак-
дан хиринглаган овоз эшитилди.
-- Маслаҳат -- текинга сотво-
рибмизда унда. Майли, майли,
фойдангиз. Олтимиш олтинчи
нумирни тўқсон тўққиз деб ўқиб
юборибмиз. Мана, сизга тегиш-
лисини топдим. Ёзамиз. «Кўй
гўшти билан эчки гўштини
фарқлаш учун...»
-- Ёсингиз жойидами, акахон!
-- зардам қайнай бошлади. --
Мен ёзувчиман деяпман!



ТИЛЛОГА ТЕНГ МАСЛАҲАТЛАР



нумирни!

-- Тўқсон тўққиз!
-- Хўп, яхши, ўртоқ тўқсон
тўққиз, -- акам давом этди. --
Қўлингизга қоғоз қалам олиб
маслаҳатларни ёзиб олинг.
Уларга қатъий риоя қилинг.
Қоғоз қалам олдингизми? Хўп
унда ёзамиз: «Болани эмизишдан
олдин қўлни совунлаб яхшилаб
ювамиз...»

Оғзим очилиб, ёзаётган
ручкам қўлимда қотиб қолди.
-- Хов, нималар деяпсиз? --
дедим жон ҳолатда.
-- Гапни бўлманг! -- дастак
сўзимга қулоқ солмай давом
этди. -- Қўлни тозалаш ювгач,
уни оппоқ сочиққа артасиз.
Оғзингизга ниқоб, уни доқадан
ёки тоза материалдан тайёрлаш
тавсия қилинади, тутиб оласиз-
да, сўнг болани эмизишни
бошлайсиз! Ёзаяпсизми?

Гўштингизни бошимга
ураманми?!

-- Бунақа ҳаяжонланиб
кетманг-да, биродар, -- акам
ўзини оқлаган бўлди. -- Ҳозир
топамиз сизга тегишлисини.
Шогирдлар ёшда, ҳаммасини
аралаштириб юборишибди. Ҳа,
мана топдик. Ручкани ёзишга
тайёрланг укам. Ёзамиз!
«Қўлатнинг илдири томони ерга
қўмилади. Илдирини осмонга
қилиб экиш тавсия этилмайди!»
шуми ака?

-- Хов, ёзувчи билан
боғбоннинг фарқи борасизми
ўзи?

-- Борамиз, борамиз! Ёзувчи
бу ёзади. Боғбон бу -- ёқади.
Тўғрими? Энди укажон, мундоқ
қилсак, ёзувчи бўлсангиз сиз
ҳамма нарсани билишингиз
керак, ёзганингизда керак
бўлади. Шунинг учун
маслаҳатларни бир бошдан
ўқийверсам, сиз керагини олиб,
керакисини ёнингиздан ўтказиб
юбораверсангиз... Майли, уларга
пул олмаймиз. Нима дейсиз,

маъқулми?
-- Илож қанча, -- дедим
бўшашиб.

-- Ҳа, яшанг, тушунган
ийгит экансиз, -- у завқ билан
хитоб қилди. -- Унда бошла-
дик: «Пайпоқни оёққа,
дўппини бошга кийган маъқул.
Аксинча кийиш кўрсатмаларга
хилофдир. Мабодо туфлингиз
сиқаётган бўлса шимингиз
ременини бўшатиб юрманг.
Яхшиси туфлини ечиб
қўлтиққа уриб олинг. Галс-
тукни куйлакнинг устидан,
костюмнинг остидан таққан
маъқул. Уни майка устидан
тақиб ёки белга боғлаб юрсан-
гиз кулги бўлишингиз мумкин.
Овқатни қўл билан енг...»

Унинг маслаҳатларини
эшитиб туриб олдин бошим
қийий бошлади. Шифокор
маслаҳатига ўтганда кўкрагимда
огриқ пайдо бўлди. Аммо у
бемалол давом этарди:

-- Мабодо босимингиз
кўтарилиб, юрагингиз
уйнаётган бўлса ўт учиринг ёки
газлаштириш идорасидоғларни
безовта қилиб юрманг. Яхшиси
тез ёрдамга кўнғироқ қилинг.

Дастакни отиб юбордим.

Аммо унинг кейинги гаплари
қулоғимга ўқдек қуйилди:
-- Мабодо пул топиб ақл
топмаган бўлсангиз, бировлар-
нинг маслаҳатини пулга сотиб
олинг! Ҳе-ҳе, ҳе-ҳе, ҳа-ҳа-ҳа-
ҳа!

Даллолар билан совчилар-
нинг бозори касод бўлди, мен
сизларга айтсам. Одамлар
эълонлар орқали иш пишта-
диган бўлиб кетишди. Газета-
журналларни варақлайсиз --
эълон. Радионинг қулоғини
бурайсиз -- эълон. Телевизор-
ни қўясиз -- эълон... Хибон-у
бекатларни қўяверасиз, буткул
эгаллаб олишган: «оламан,
сотаман, эрга тегаман, алмаш-
тираман... Уйланаман, сотиб
оламан, ижарага бераман...
Торт пиширишни ўргатаман,
кучутимни излайман, шимини
вақтинча бериб туришим
мумкин...» Уй керакми, хотин
керакми, ёки шим, пажалиска!
«Тиллога тенг маслаҳатлар
берамиз», деган эълон жа-
диқатимни тортирд. Теле-
фон қилдим.
-- Миллион маслаҳат
фирмаси эшитида! -- дастакдан
хотинсифат эркекнинг ёки
аксинча, эркексифат хотиннинг
овози эшитилди.
-- Қандай мавзуларда
маслаҳатлар бера оласиз? --
деб сўрадим.

Фақат охирига келганда...
-- Воқеа портламайди! --
топдимми?! -- дастакдан овоз
келди.

-- Ҳа, яшанг!
-- Тушунарли. Тўқсон
тўққизинчи рақам билан
руйхатта олиндингиз. Ёсингиздан
чиқмасин, тўқсон тўққиз.
Дардингизни ёзиб олди. Уни
ёзувчига айтмиз ўзининг
қимматли маслаҳатларини
беради.

-- Ие, қанақа ёзувчи? --
хайрон бўлдим.

-- Сизга ўхшаб асар ёздиған
ёзувчига-да! -- у давом этди. --
Фирмаида ошпазлар, шифо-
корлар, қассоблар, сартарошлар,
савдогарлар, рассомлар, қоровул-
лар, борингки, ҳамма касб
эгалари фаолият кўрсатишади.
Улар мавзуга қараб, соҳалари
бўйича маслаҳатлар беришади.

-- Тушунарли, тушунарли, --
дедим шоша-пиша.

-- Маслаҳатни қачон олсам
бўлади?

-- Бу сизга боғлиқ.

-- Менга?

-- Ҳа, почтага бориб юз

БИР ГАНДА УЧ ГАП

Муҳиддин қизиқ андижонлик шоғирди Каримжон
Холиқовниқига бориб қалибди. Эшикдан кириб, қўй деса
дўми бор, бузоқ деса жўни йўқ бир маҳлуқни кўриб:
-- Карим, ҳов, Карим, манови қандай бало маҳлуқ?
Африкадан обхелдингми ё Америкадан? -- деб сўрайди.
-- Бузов, уста, бузов, -- жавоб қилибди Каримжон.
-- Қўйларнинг жўнини олаётгандим, қизиқиб кетиб
уникиниям олиб қўйибдим. Иссиқда қийналмай юрар.
-- Иссиқ ўзинга таъсир қилганга ўхшайди. Бузов-
диям жўнини оладими ҳеч замонда.
-- Жа ўсиб кетган экан-да.
-- Худога шукр, -- дебди уста, -- қизиқчиларимиз
ичида сендақиси йўқ эди, унгаям етишибмиз!
Сўрига жўй қилинган экан, ўтиришибди. Ўртага
ош ҳам қўйилибди.
-- Қани, қани уста олинг. Бошлаб беринг! -- бош-
ланибди.

Муҳиддин ака бир ошамни оғзига солиб, шундай
чайнаган экан, тиши тошга тегиб «қарс» этган тош
чиқарибди. Билинтурмасдан секин тошни олиб,
дастурхонга қўйибди.

-- Уста олинг, нега тўхтаб қолдингиз, олинг!
Иккинчи ошамни олса, яна тош. Униям ажратиб
олиб, учинчи ошамни оғзига солса, бир йўла икки тош
«қарс-қурс» этибди. Мезбон ҳамдардлик ила сўрабди:

-- Ҳа, уста, тош чиқаяптими?

Уста дарҳол жавоб қилибди:

-- Йўқ, ҳар замонда гуруч ҳам чиқаяпти.

-- Ҳа, майли ошни емай қўяверинг, -- Каримжон

қўли кўксига кечирим сўраган бўлибди, -- Хотин шо-
шилиб... Ҳозир ўзим гўшт қовуриб бераман.

Муҳиддин ака қўзларини катта очиб, хайрон қол-
ган бўлиб сўрабди:

-- Гўшт??? У қанақа бўлади?

Муҳиддин аканинг ҳолиси ёнига баланд қилишиб

катта бочка ўрнатилибди. Аммо орадан йигирма йил

ўтса-да ундан фойдаланишмабди.

-- Уста, шунга сув қўйиб, аҳолига тарқатилса


бўлмайди -- сўрабди шоғирдларидан бири Мансур

Охунов.

-- Қалланг борми ўзи сени? -- уста қўлини паҳса

қилибди. -- Сув қўйишса бочка занглаб қолади-ю!

РАССОМ ХАНДАСИ



Рассом Маҳмуд ЭПОНҚУЛОВ.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ИККИТА КАЛЛАГА НИМА ЁТСИН

Пирмат дудук ҳамма вақт ит етаклаб юрар экан. Бир кун одамлар

ундан сўрашибди:

-- Бу тўйга борсанг ҳам, сайилга борсанг ҳам, бозорга борсанг ҳам ит

етақлаб юрасан? Ҳатто уелингга совчиликка ҳам ит етаклаб борибсан-а?

Пирмат нима дейишини билмай оғзини очиб турса, Муҳиддин қизиқ

унинг учун жавоб қилибди:

-- Битта калла битта калла, иккита калла иккита калла-да!..

Э ХУДО, ГУНОҲИМ НИМА?

Абдулла қизиқ олдинда, Абдурахмон Сиддиқов билан
Каримжон Холиқов орқада, уста рулда кетишадиган
экан. Абдулла Муҳиддин акани саволга тутибди:

-- Уста, биринчи марта қачон саҳнага чиққансиз?

-- Биринчи марта саҳнага Самарқандда чиққанман, --

деб уста гапни бошлаб, турли танловларда қатнашган

борми, республика, собиқ Иттифоқ беллашуварларида

ғалиб чиққан борми, бирма-бир гапириб ўтибди.

Уйқуриб кетаётган Абдурахмон савол ташлабди:

-- Уста, биринчи марта қачон саҳнага чиққансиз?

-- Ие! -- устанинг энаси қотибди-ю, майли деб

яна бир бор гапириб берибди. Сўнг Каримжонга қараб

дебди:

-- Бензинни қайтишда қўямиз-а?

Каримжоннинг хаёли ҳам кетиб қолган эканми:

-- Тўғри юраверасиз, уста. Ҳали Андижонгача анча

бор! -- дебди.

Устанинг ғиғони фалакка чиқиб ҳайқарибди:

-- Э, худо нима гуноҳим бор эди, қандай бало шо-
ғирдларга йўлиқтирдим-а!

ПУЛ ТОПИБ АҚЛ ТОПГАН

Муҳиддин қизиқ бозор қилиб чиқса, аскиячи дўсти
Акрамжон турганмиш. Аскиячининг қовоғидан қор ёғиб
турибди.

-- Ҳа Акрамбой, жа кайфиятинг ит талагандай,

тинчликми? -- сўрабди қизиқ.

-- Э, ўртоқ кўрмайсанми -- жавоб қилибди Акрам

қизиқ йиғлагандай бўлиб. -- Велосипедимни ўғри уриб

кетибди. Кечагина олгандим-а, тузукроқ юволаганимиз

ҳам йўқ эди. Дуконга кириб чиққунимча «шимо» қилиб

кетишибди.

-- Ўзи сен пул топиб ақл топмаган одамсан, --

дебди Муҳиддин қизиқ ҳар гапини таъкидлаб. -- Ҳа,

икки минга велосипед олгани етган ақлинг, эллик сўмга

қулф олишга етмадимми? Битта қулфни олиб

симёғочгами, дарахтгами, рамасидан қулфлаб қўядинг,

бўлди вассалом. Тураверарди бизниқига ўхшаб, ана қара!

Акрамжон ака ўртоғи кўрсатган томонга қараб

хо-ҳалаб қулиб юборибди. Муҳиддин ака қараса велоси-
педнинг эгарини, рулини, ғидирақларини олиб кети-
шибди. Қулфда фақат рамаси осиглик турганмиш.



МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Матбуот 36-35-60;
Ўзбекистон Республикаси 33-10-28;
Ҳатлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррирлар:
Т. Додиев, Н. Жалилов,
Компьютерда саҳифалашчи:
Рустам АЗИМОВ.